ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

5 март, пайшанба 1998 йил №26 (528)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда
КУЧ БИЛАКДАМИ?

3-бетда
ОЗОДАЛИК ШАРОФАТИ

4-бетда
ОДИЛ-"ОСМОН ШОХИ"

Иқтисодиёт хабарлари

ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида «Хоразм пойафзали» ҳиссадорлик жамияти Италиянинг «Берпен» фирмаси билан ҳамкорликда йилига 810 минг жуфт эркаклар пойафзали ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ишга туширилди.

***

САМАРҚАНД. Самарқанд вилоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмасида чет эл сармоясини олиб келиш ва ундан самарали фойдаланиш қўл келмоқда. Уюшманинг «Жомбойдон» корхонасида қайта таъмирлаш ишлари натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошмоқда. «Оқтошнон» корхонасида эса, чет элликлар кўмагида полиэтилен плёнкалар тайёрлаш йўлга қўйилди. «Янги замон» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси шарқ ширинликлари ишлаб чиқарадиган линияни йиғишни бошладилар.

***

НАМАНГАН. Косонсой туманидаги «Қўшан» сабзавот ва мевани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга алоҳида аҳамият бераётир. Корхонанинг янги техника билан жиҳозланиши ўз самарасини бераётир. Корхонада 28 хилдаги 75 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга тортиқ этилди.

Шу кунларда меҳнат жамоаси жорий йил учун корхонани таъмирлашдан чиқариб, жамоа хўжаликлари билан шартномаларни тузишни ниҳоясига етказди.

МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

Республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланган Муборак иссиқлик электр маркази жамоаси Оила йилини янада сермазмун, ишлаб чиқаришда ютуқлар билан ўтказишда бор куч-ғайратларини аямаяптилар.

Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу тадбирлар ишчиларни унумли меҳнат қилишга ундамоқда.

– Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маошлари 7 минг сўмни ташкил этади. Маошлар ўз вақтида берилаяпти. Касаба уюшма қўмитасининг раислигига Қаҳрамон Назаровни сайлаб адашмаган эканмиз. Мана бир неча йилдирки, касаба уюшма қўмитаси аъзолари фаоллик кўрсатаяпти. Ўтган йилларда корхонада меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 26 нафар фарзандлари корхона ҳисобидан суннат тўйи қилинди. Илғорлар ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаяпти. Мана, Наврўз айёми давом этаяпти. Халқимизнинг анъанавий байрамини корхонамиз жамоаси кенг нишонлайдилар. Байрам сарф-харажатлари касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан тўланади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашиш ниятидамиз,– дейди корхона бошлиғи Абдибаҳром Худойқулов.

Исоқ САТТОРОВ.

Янгийўл туманида ҳунармандлар ва тадбиркорлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда халқ-ободлик тадбиркорлар (суратларда) С.Расулов, М.Мансуров ва Б.Исроиловлар ҳам фаол қатнашдилар.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши ўзининг махсус йиғилишида Бағдодда Кофи Аннан ва Саддам Ҳусайн томонидан имзоланган келишувни якдиллик билан тасдиқлади. Шундай қилиб, Форс кўрфазида янги уруш оловини ёқишга қарши муҳим ҳужжат кучга кирди. Бироқ Бағдод раҳбарлари келишув шартларини оёқости қиладиган бўлса, Хавфсизлик Кенгаши қатъий чоралар кўришга мажбур бўлади.

* * *

Шимолий Кореяда очарчилик авжига чиқмоқда. Мамлакатдаги дон заҳиралари яна икки ҳафтагагина етиши мумкин. БМТнинг жаҳон озиқ-овқат дастури раҳбарияти Шимолий Кореяга яқин кунларда инсонпарварлик ёрдами кўрсатажагини билдирди. Шимолий Корея ҳукуматининг баёнотига кўра, мамлакат аҳолисини очликдан сақлаб қолиш учун 8 миллион тонна дон керак.

* * *

Словакия Бош вазири Владимир Мечьяр мамлакат президенти лавозимини эгаллади. Собиқ президент Михаль Ковачнинг икки йиллик муддати эса ниҳоясига етган.

* * *

Вьетнамда қўлга олинган гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчилар оммавий равишда қатл этилдилар. Жиноятчилар собиқ полициячи ва унинг олти шериги юзлаб одамлар кўз унгида отиб ташланган.

* * *

Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Дини европалик амалдорлардан биринчи бўлиб Эронга ташриф буюрди. Италия ҳукуматининг бу қадами АҚШ маъмуриятига ёқмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, Ламберто Дини Эрон билан кўпгина соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олган.

* * *

Индонезиядаги иқтисодий танглик мамлакат армиясига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Аскарлар очарчиликка юз тутмоқда.

* * *

Руминия ҳукумати собиқ диктатор Николае Чаушескуга тегишли бўлган ноёб буюмлар — турли давлатлар раҳбарлари йўллаган қимматбаҳо совға-саломларни ким ошди савдосига чиқариш ниятини билдирмоқда. Роят катта миқдордаги қимматли совғалар сотувидан тушадиган маблағ Руминия бюджетини тўлдиришга сарфланади.

* * *

Россия президенти Борис Ельциннинг фармони билан мамлакат Хавфсизлик Кенгаши раиси Иван Рибкин Бош вазирнинг МДҲ масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Бўшаб қолган Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлигига эса аввал Россия мудофаа кенгаши котиби бўлиб ишлаган Андрей Кокошин тайинланган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

КИЧИК АВИАЦИЯ ДАЛАГА ОТЛАНМОҚДА

Узбекистон далаларида баҳор фаслида кўп йиллар мобайнида одатга айланган Ан-2 самолётлари двигателларининг шовқини бошланадиган кунларга ҳам оз фурсат қолди. Февралнинг охиридан апрелга қадар бошоқли экинларни ҳаводан озиқлантириш бўйича ишларнинг катта ҳажмини бажариш режалаштирилмоқда.

— Бир неча йиллик тажриба авиаторлар кумагисиз деҳқонлар яхши ҳосил олиши қийинлигини кўрсатди, — дейди САР авиакомпанияси директори Равшан Иброҳимов. Айниқса, бошоқли экинлар катта майдонларни эгаллаб, ишчи қўллари етишмайдиган жойларда бу яққол кўринмоқда. Зеро, кўпгина хўжаликларда қишлоқ хўжалик машиналари етишмайди, уларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва ёнилғимойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилмайди. Бироқ ҳамма нарса яхши деган жойларда ҳам баҳорнинг биринчи кунларида ер ҳали лой бўлгани сабабли техника далага кира олмайди. Ўгит сепишни эса энг яхши агротехник муддатларда утказиш зарур.

Бир вақтлар ер эгалари қишлоқ хўжалик авиацияси хизмати қиммат деб, барча ишни ўз кучлари билан амалга оширишга уриниб ҳам кўришди, аммо бу ҳаракатлар самарасиз якунланди. Сарф-харажат самолётларни қўллашдагига нисбатан унча кам эмас, ҳосил эса гектар бошига кам бўлиб чиқди. Шунинг учун охирги пайтларда бошоқли экинларга ҳаводан ўгит сепиш ишларини утказиш учун талабномалар сони тобора ошмоқда. Агар ўтган йилги талабномалардаги ишларни бажариш учун 45 та Ан-2 керак бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони тахминий ҳисоб-китобларимизга кўра 20 та машинага ортади. Авиацион-кимё ишларининг катта ҳажмини Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида бажаришга тўғри келади.

САР авиакомпаниясидагилар бу масъулиятли ишни бажаришга тайёр.

— Талабномаларни қондириш учун барча имкониятларимиз бор, — дейди САР авиакомпанияси бўлим бошлиги Юрий Пиманов. — Фаолият кўрсатишга тайёр машиналар парки Авиатаъмирлаш заводи ва Нукус авиация-техника базасида Ан-2 ларни кўрикдан утказиш ва тиклаш ҳисобига тўлиб боради. Тайёрланган экипажлар ҳам етарли. Авиатехника ва учиш таркибининг манёври бўйича бой тажриба тўпланган: об-ҳаво шароитларига кўра ишлар республиканинг турли ҳудудларида ҳар хил муддатда бошланиб, самолётларни кўпроқ керак бўлган жойга жунатиш мумкин булади. Демак, бошоқли усимликларни ўгитлашда ўз базасидан фаолият кўрсатувчи Қарши, Самарқанд, Сергели авиаторларидан ташқари, Нукус, Урганч, Бухоро экипажлари ўз ҳаво кемаларида ва наманганлик экипажлар ҳам фаол иштирок этади.

Яқин кунларда ҳўжаликлардаги аэродромларни қабул қилиш бошланади. Бу тадбирга доимо алоҳида эътибор берилади, аммо бу йил тезкор нуқталарда керакли шароитларни яратишга булган талаб бир мунча қатъийлашишини таъкидлаш зарур. Албатта, тушумни кўпайтириб, кўпроқ даромад олишни ўйлаш керак, лекин бу доимо биринчи уринда турган ва шундай булиб қоладиган парвозлар хавфсизлигига зиён етказмаслиги керак. Утган мавсумда дала аэродромларида зарур шарт-шароитларни яратишда эътиборсизлар булган Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳўжаликларида тезкор нуқталарни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳаводан ўгит сепишга тайёргарлик ишлари режа буйича олиб борилмоқда. Бироқ САР авиакомпаниясининг бу режалари айрим ҳолларда бузилмоқда... Бунга амалга оширилган ишлар учун ҳўжаликлар қарзини ҳамон узмагани асосий сабаб булмоқда.

— Бу муаммо бизни бир неча йилдан бери қийнаб келмоқда, — деб тушунтиради Равшан Зарипович. — Авиацияга эҳтиёж тугилганда кўпгина ҳўжаликдагилар ҳосил йиғиб олинищи билан ҳисоб-китобни амалга оширишларини айтиб, ёрдам сураб елворишади. Биз ёрдам берамиз. Бироқ уларнинг кўпчилиги туловларни амалга оширишга шошилишмайди. Агар бу пулларни ўз вақтида олганимизда, бундан ҳам кўпроқ ҳаво кемаларини таъмирлаган, ўз ходимларимизга иш ҳақини яхшироқ тулаган, катта харажатларни талаб этувчи бир қатор бошқа масалаларни ҳал қилган булардик. Бугунги кунда эса бунинг учун маблағимиз етишмаяпти. Бироқ биз қўл қовуштириб утирганимиз йўқ, албатта. Қарзлорлар билан иш олиб бораяпмиз. Айрим хўжаликлар устидан судга мурожаат этдик, айримлари юзасидан ижобий натижаларга эришилди. Биз келгусида бу каби ҳолатларнинг қайтарилмаслиги ва авиацион-кимё ишларининг фақатгина олдиндан ҳақ тулаш амалга оширилгач бажарилиши учун барча чораларни кураяпмиз. Қишлоқ хўжалик махсулотлари ҳосилдорлигини оширишда авиация ёрдами муҳимлигини яхши тушунамиз. Аммо, табиийки, биз текинга ҳам ишлай олмаймиз...

Сунги маълумотларга қараганда, айни пайтда муҳандис-техник таркиб ҳаво кемаларининг тайёрлигини қайта-қайта текширувдан утказмоқда. Ҳозир биринчи самолётлар тезкор нуқталарга етказишга тайёрлаб қўйилди. Экипажлар назарий тайёргарликни якунлаб, машқ парвозларини амалга оширмоқда. Махсус бригадалар томонидан ҳўжаликлардаги аэродромларни қабул қилиш ишлари утказилмоқда.

Тез орада далалар узра деҳқонларга ёрдамга чиққан кичик авиация кенг кўламда иш бошлайди.

М. МИРЗАЕВ.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида ҳукуматимиз хўжаликларга молия, моддий-техникавий ёрдам бериш чораларини кўрмоқда. Бундай тадбирларнинг самараси сезилиб турибди. Шу билан бирга кўп нарса жойларда иш қандай ташкил этилишига ҳам боғлиқ. Ўтган йили Самарқандда қишлоқ хўжалиги соҳасида кескин бурилиш йили бўлди. Бунда вилоят ҳокимлиги ва шахсан вилоят ҳокими Алишер Мардиевнинг қатъий талабчанлиги ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди. Чунки энг аввало ижро интизоми юқори даражага кўтарилди. Натижа бундан ҳам зиёдроқ бўлиши мумкин эди, албатта.

Афсуски, баъзи хўжаликларда имконият бой берилди. Техника, ўгит ва бошқа воситаларга хўжасизларча муносабат ҳамда давлат-жамоат мулкини талон - тарож қилиш ҳоллари ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, фақат экинлар пайхон қилиниши оқибатида вилоят хўжаликлари жами бир миллион сўмга яқин зарар кўрган. Бошқа жабҳаларда аҳвол қандай? Умуман, мулкка муносабатни тубдан ўзгартириш шарт.

ЯНА ХЎЖАСИЗЛИКМИ?

«ҚАЙРИЛГАН ҚАНОТ»ЛАР

Бир вақтлар «Техника деҳқоннинг қаноти» деган ибора буларди. Халқимиз эса азалдан «Иш қуролинг соз булса, машаққатинг оз булур» дея нақл қилиб қўйган. Бу сермаъно ҳикмат айрим раҳбарларнинг ёдидан кутарилганга ухшайди. Ва ажабланарлиси шундаки, ҳизмат юзасидан жойларда булганимизда кўпгина хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари техника эскириб кетганидан, эҳтиёт қисмлар етишмаётганидан нолишади. Ҳўш, айбдор ким? Баъзи мисолларга эътибор қилинг.

Оқдарё тумани хўжаликларидаги аҳвол урганилганда Навоий номли хўжаликда техника воситаларини сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Хусусан, хўжалик бош муҳандиси Т.Раимов ва мутасадди Т.Кубаевларнинг лоқайдлиги туфайли техника воситалари қаровсиз қолиб, хўжаликка анчагина моддий зарар етган. Мазкур хўжаликнинг зарар кўриши ҳисобига омбор мудири Т.Бозоров ўз чўнтагини тулдирмоқчи булибди. У ҳайдовчи К.Тошмуродов билан тил бириктириб 10,3 минг сум қийматдаги аккумуляторни «чап»га узатаётганда қўлга тушди. Омбор тафтиш қилинганда бундан ташқари 4408 сумлик эҳтиёт қисмлар кам чиқди. Экинлар парвариши айни қизғин паллада эса деҳқонлар, механизаторлар эҳтиёт қисмларни тополмай сарсон булишининг сабаби шунда эмасми?

Иштихон туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалигида эса 4 та культиватор, 4 та галла уриш комбайни очиқ ҳавода сақланмоқда. Натижада техника воситалари муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Шу тумандаги А.Йулдошев номли хўжаликда техникаларнинг аҳволи ва тақдири ҳеч кимни қизиқтирмайди. Хўжаликда ҳайдовчилар билан техника воситаларини сақлаш, асраш буйича жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилмаган. Масъулиятни ҳис қилмаслик оқибатида трактор ҳайдовчиси Ж.Асламов 6213 сумлик, механик С.Раҳмонов 1520 сумлик моддий зарар етказган. Бундан ташқари хўжаликка тегишли тракторлардан бири фуқаро А.Хужаевга сотилгану, пулни тўлиқ тулатириш ҳеч кимнинг эсига келмаган. Текширув жараёнида хўжаликнинг қонуний пуллари ҳазинага кирим қилинди.

Кичик бир мурват ҳам хўжалик мулкидир, уни ҳам ҳисобга олиш керак. Аслида мана шу оддий эътиборсизлик охир-оқибат хўжасизликни келтириб чиқараяпти. Очиғи, ҳозирги кунда хўжаликларда мавжуд техника воситаларининг катта қисми ҳақиқий техник талабларга мос келмайди. Демак, техника хавфсизлиги қоидалари ҳам жиддий равишда бузилмоқда. Хўжаликлар эса 1997 йилда техникага хўжасизларча муносабат сабабли 1 млн. сумдан зиёд зарар кўрди.

ЕРНИНГ РИЗҚИ ЭЛНИНГ РИЗҚИДИР

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалар-минерал ўгитларга, усимликларни ҳимоялаш ва ишлов бериш воситаларига эҳтиёж катта. Ҳосилдорликни оширишга хизмат қиладиган кимёвий моддаларнинг бир қисми республикамизда ишлаб чиқарилаётган бўлса, бир қисми зарурат туфайли катта тўлов эвазига хориждан келтирилмоқда. Деҳқончиликда кимёвий моддаларнинг нафи катта бўлса-да, уларнинг заҳарлилик хусусиятини унутмаслик зарур. Хусусан, бундай моддалар аҳоли истиқоматгоҳларидан узоқроқ, усти ёпиқ, ерости сувларига таъсир қилмайдиган шароитда сақланиши талаб этилади.

Афсуски, Иштихон туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги раҳбарлари 30 тонна азотли ўгит фуқароларнинг уйларида сақланишига йўл қўйишган. Й.Охунбобоев номли хўжаликка тегишли 70 тонна азотли ўгит очиқ ҳавода қолиб сифати бузилган. Жомбой туман санэпидстанциясидан рухсат берилмаган бўлса-да, тумандаги Н.Эсонтурдиев номли жамоа хўжалигининг олди очиқ шийпонида 100 тонна аммиакли селитра, 47 тонна аммофос, 47 тонна сульфат алюмений сақлаб турилган. Энг ташвишланарлиси, хўжаликнинг кимёвий моддалар билан ишловчи ходимлари тиббий кўрикдан ўтмаган, ҳимоя воситалари билан таъминланмаган, иш жойида биринчи тиббий ёрдам анжомлари йўқ. Ўгитлар сақланаётган жой аҳоли истиқоматгоҳига жуда яқин. Бу санитария қоидаларига зиддир. Айтинг-чи, кимёвий моддаларнинг нотўғри сақланиши, тўгрироғи, қаровсиз қолдирилиши аҳоли саломатлигига, ер таркибига, ерости сувларига, атроф-муҳит тозалигига дахл қилмаяптими? Балки нобуд қилинган ўгит қиймати ундириб олинар, лекин бу зарар анча қимматга тушмайдими?

Юқоридаги ҳолларни зарурат, иложсизликка йўйиб бир қадар изоҳлаш мумкиндир ҳам. Лекин давлат-жамоат мулки билан очиқчасига чайқовчилик қилинганига нима дейсиз? Текширилганда Ғузалкент туманидаги «Қурилиш» жамоа хўжалиги таъминотчиси Н.Жуманов 20 минг сумлик, бригада бошлиқлари А.Бўронов 8,7 минг сумлик, М.Урозов 37,5 минг сўмлик-жами 66,2 минг сўмлик, Каттақўрғон туманидаги А.Назаров номли хўжалик таъминотчиси Э.Гаффоров 59,7 минг сумлик минерал ўгит камомадига йўл қўйишган. Очиғи, ўгит сотиб юборилган дейишга асос бор. Жомбойлик С.Шодиев шундай қилган. Аниқроғи, Жомбой туман «Кимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти минерал ўгитлар омбори мудири С.Шодиев 12,5 тонна аммиакли селитрани Тожикистон фуқароси М.Мирзомаҳмудовга сотган. Бу эса жиноят, жамоат мулкига очиқдан-очиқ тажовуздир.

Хориждан, хусусан Германиядан келтирилган «Дропп-ультра» препаратига ҳам хўжасизларча муносабатда бўлишмоқда. Натижада бундан кимлардир ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланишмоқда. Масалан, Оқдарё туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази директори Б.Давронов ва бош ҳосилоти Э.Тошманов сарфланган «Дропп-ультра» препарати миқдорини ошириб кўрсатган. Бу эса тумандаги икки хўжалик ҳисобидан 255,2 минг сумлик 76 литр препарат «тежаб» қолинишига олиб келган.

Ҳар бир кимёвий модданинг экин парваришидаги қўлланиш миқдори, ҳосилдорликка таъсир даражаси аниқ ҳисобланган. Ушбу меъёрлар бузилганда эса кимёвий моддаларнинг қўлланиши кутилган самарани бермайди. Бинобарин, юқоридаги каби ҳаражатларга ана шу нуқтаи назардан баҳо бериш керак.

ПОДА НЕГА ҚАЙТМАДИ?

Чорвачилик соҳаси ҳам оқсаб қолди. Етиштирилаётган маҳсулотнинг ялпи миқдори камайгани сир эмас. Ҳамма сабабни хусусийлаштириш жараёнида мулк эгаси нотўғри танланганига боғлаш унчалик уринли эмас. Ҳамма гап масъулиятсизликда, жинояткорона лоқайдликдадир. Шунинг оқибатида чорва молларининг нобуд бўлиши, мажбуран сўйилиши, талон-тарож қилиниши-га йўл қўйилмоқда.

Иштихон туманидаги Й.Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ихтиёридаги қорамоллар парваришида зооветеринария талаблари қўпол бузилмоқда. Соҳада узибуларчилик ҳукм сурмоқда. Натижада қорамоллар сони ҳеч бир асоссиз 10 бошга камайтириб юборилган. Ургут туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги тасарруфидаги «Наврўз» ҳиссадорлик жамиятида унинг раҳбари Х.Эшонқуловнинг айби билан 44 бош қорамол мажбурий сўйилган. Натижада хўжалик катта миқдорда зарар кўрди.

Булари ҳали ҳолва экан. Қўшработ туманидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли ижара хўжалиги бош чўпонлари Ж.Тоққулов 290 бош, А.Холмонов 223 бош, У.Шералиев 467 бош қўй қаёққа ғойиб булганини изоҳлаб беришолмади. Ҳолбуки, жавобгарлик уларнинг зиммасидадир. Нуробод туманидаги Р.Жаҳонгиров номли ижара хўжалиги бош чўпонлари Р.Янгибоев, С.Қудратовлар хўжаликка етказган зарар 2 миллион сўмдан ошиб кетган. Худди шу каби чўпонларнинг масъулиятсизлиги туфайли Каттақўрғон туманидаги «Мойбулоқ» жамоа хўжалигида 1836 бош қўй камомад қилинган. Бу молларнинг қиймати салкам 3 миллион сўмга етади... Умуман, вилоят хўжаликлари 1997 йилда чорва молларининг мажбурий сўйилиши, нобуд булиши, талон-тарож қилиниши, уғирланиши натижасида кўрган зарар 21,5 миллион сумликдан ошади.

Текширувлар жараёнида мутасадди шахслар айбига яраша жазо олишди. Лекин бундан кура зарар етказиладиган ҳолларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш керак. Мана шундай ҳоллар ҳам қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларга, ишлаб чиқариш суръатлари ўсишига маълум даражада тусқинлик қилаяпти. Уларни бартараф этиш, хўжасизликка барҳам бериш имконияти энг аввало хўжалик раҳбарларининг измидадир.

М.БАҲРИДДИНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНДИ

Маъданли ўгитларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ривожи, мул ҳосил етиштиришдаги тутадиган муҳим роли тўғрисида ортиқча таъриф-тавсифнинг ўрни бўлмаса керак. Буни яхши тушинган «Ўгитрокиметаъминот» ҳиссадорлик жамиятининг Қунғиротдаги туман бўлими ўз ишини кун талаблари даражасида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Бўлим асосан Шуманай, Қонликул, Қунғирот ва Муйноқ туманлари хўжаликларини маъданли ўгитлар билан таъминлайди. Бунинг учун мамлакатимиздаги нуфузли корхоналар «Навоиазот», — «Чирчиқэлектрокимёсаноат», «Олмалиқаммафос», ва «Самарқандкимё» заводлари билан алоқани янада мустаҳкамламоқда. Чунки амалдаги йилда деҳқонлар учун 31 минг тонна маъданли ўгитлар етказиб беришга шартнома тузилган. Бу борада дастлабки муҳим ютуққа эришилди. Биринчи чорак учун белгиланганидан анча кўп — 15 минг тоннага яқин ҳар хил ўгитлар шерикларга етказиб берилди.

Корхона жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли юк ортиш ва туширишда ҳам кескин бурилиш бўлди. Олдинги пайтлардагидек вагонларнинг бўш туриб қолиши кескин камайди.

Туман таъминотчилари шерикларига янги туркум маъданли ўгитлар келтириб бериш учун яна заводларга йўл олди. Мақсад — таъминотни яхшилаб, ўзлари хизмат кўрсатадиган тўртта туманда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинишида муносиб ҳиссаларини қўшишдир.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари ҳаёти

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жаҳон бозорига дадил одимлар билан кириб бормоқда.

Шу уринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йили ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг 67 фоизи экспортга чиқарилди. Унинг маҳсулотлари дунёнинг кўп мамлакатларида тан олинмоқда. Бундан роса бир йил олдин Лондондаги олтин ва қимматбаҳо металлар биржаси корхона жамоасига кумуш маҳсулоти сифат даражасини тан олиб, Ёрлиқ топширди, 27 октябрда эса қуйма олтинга ҳам шундай сифат даражаси берилди. Мана шундай муваффақиятлар ҳақида комбинат касаба ташкилотининг конференциясида гапирилди. Маърузачилар - корхона бош директори Виталий Сигедин ҳамда касаба қумитаси раиси Собир Акромовлар жамоа шартномаси бўйича қандай тадбирлар амалга оширилгани ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди. Бугун биринчи бор касаба ташкилоти конференциясида 1997 йили барча техник-иқтисодий курсаткичлар бўйича топшириқлар оширибди бажарилгани тўғрисида гап борди. Корхонада 16 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинган, маҳсулот ишлаб чиқариш 10 фоизга ошган.

Шундай бўлса-да, конференция делегатлари айрим йўл қўйилган ҳато ҳамда бой берилган имкониятлар тўғрисида куюниб гапиришди. Шу жумладан автотранспорт бошқармаси ҳайдовчиси А.Урютин шундай деди:

- Бизда кўпинча машина ва механизмлар учун эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бусиз ишимизда ривож бўлмаслигини тушунтириб ўтирмаса ҳам бўлади. Агар утган йили эҳтиёт қисмлар уз вақтида келтирилганда бизда рангли металлар ишлаб чиқариш анчагина ошган бўларди. Қалмоққир конида эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли экскаватор ҳамда бурғулаш станоклари 35 минг соат бекор туриб қолган.

Бошқа муаммолар тўғрисида ҳам гап борди. Улар кам эмасди. Сўзга чиқувчилар қандай қилиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фикрларини жўшқин баён этишди.

- Бахтга қарши жамоа шартномасида баён этилган мажбуриятларни ҳамма ҳам кунгилдагидек бажармаяпти,- деди касаба қумитасининг раиси С.Акромов.- Бу биринчи навбатда меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш муаммосига дахлдордир. Ҳамон хушёрхонага тушиш, сабабсиз ишга чиқмаслик ҳолатлари давом этмоқда. Бундай холатлар қурғошин бойитиш, мис бойитиш фабрикаларида ва мис эритиш заводида учрамоқда. Узингизга маълумки, ушбу корхоналар комбинатимизнинг ҳал қилувчи участкаларидир.

Бундай ҳолат касабақум ҳамда бошланғич касаба ташкилотлари бу борада ҳам анча иш қилишлари зарурлигини курсатади. Меҳнаткашларни маънавий тарбиялаш борасида изланиш лозим. Кўпгина касаба фаоллари меҳнаткашларни соғломлаштиришни уйлашгану, маънавий тарбия масаласига келганда...

Комбинат меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлигини яхшилаш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнаткашлар соғлигини сақлаш, касб касалликлари ҳамда ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш учун сезиларли даражада пул сарфланмоқда. Иш жойлари аттестациядан утказилиб, меҳнат жамоаларида меҳнатни муҳофаза этувчи жамоатчилар сайланмоқда. Касаба қумитаси қошидаги меҳнатни муҳофаза қилиш жамоатчилик комиссиясининг фаолияти ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Касаба конференциясида уз фаолиятларига сидқидилдан ёндошаётган жамоатчи инспекторлар ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди. Булар - руҳ заводидан Р.Рейт, Қалмоққир конидан Ф.Зиганшин, қурғошин бойитиш фабрикасидан В.Сухарева, автотранспорт бошқармасидан Ю.Коченковлардир.

Афсуски, бахтсиз ҳодисалар ҳамон содир бўляпти. Бироқ, уларнинг сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бунинг учун техника хавфсизлиги курикларини анъана бўлиб қоляпти. Лекин шунга қарамасдан бахтсиз ҳодисаларга бутунлай барҳам берилганича йўқ.

Бунинг сабаби нимада? Бу ҳақда бош директор шундай дейди:

- Ишлаб чиқаришда жароҳатланишларнинг таҳлили шуни курсатдики, барча бахтсиз ҳодисалар кўпинча ишлаб чиқариш интизомининг пастлиги, ишлаб чиқариш нотўғри ташкил этилгани, раҳбарлар ҳамда мутахассислар томонидан меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилиши оқибатида содир бўлмоқда.

Яна бошқа бир муаммо. Ишлаб чиқариш жойлари ҳамма вақт ҳам талаб даражасида бўлмайди. Бунинг оқибатида касалланиш содир бўлиб, меҳнатга лаёқатсизлик юзага келади. Ҳисобот даврида шу боисдан ҳам ҳар куни 577 киши иш қолдирди.

Конференция қатнашчилари моддий қийинчиликларга қарамасдан меҳнаткашларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

- Биз 1998 йили меҳнаткашларни соғломлаштириш учун Москва шаҳридаги 83-клиника, Тошкент медицина институти ва бошқа соғломлаштириш масканлари билан шартномалар тузганмиз,-дейди ижтимоий-маданий иншоотларни сақлаш цехининг бошлиғи Н.Воякина. - Утган йили Қирғизистонда олмалиқлик 548 металлург дам олди. Республикамиз санаторийларида эса 260 киши соғломлаштирилди. Комбинатнинг санаторий-профилактарийси эса 3317 кишини қабул қилди. Бу ерда дам олиш учун барча шароит муҳайё. «Мовий тоғлар» ҳамда «Восход» болалар оромгоҳларига 14 миллион сўм сарфланди.

Комбинатда айни пайтда хусусийлаштириш жараёни кетмоқда. Ҳиссадорлик жамиятига айлантириш комбинатнинг молиявий шароитини яхшилайди. Комбинатга корхона акцияларининг давлат ҳиссасига тўғри келадиган улушидан фойдаланиш ҳақида Ордер берилди.

- Ҳиссадорликка айлантириш жараёни қачон ва қандай тамом булишидан қатъий назар, ишлаб чиқаришни сусайтирмаймиз!- конференция қатнашчилари бир овоздан шунга аҳд қилишди. Илгари қабул қилинган жамоа шартномасига айрим қушимча ва тузатишлар киритилди. Касаба уюшмалари конференцияси Узбекистон кон-металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси таъсис қурултойига делегатлар сайлади.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қумитаси раисининг уринбосари М.Эшонхўжаева сўзга чиқди.

Ж.МУРОДОВ.

Малака - бош масала

КУЧ БИЛАКДАМИ?

(К.Аденауэр Фонди уни «малакада» деб билади)

Кишининг уз меҳнатидан, эгаллаб турган иш жойи ва лавозимидан хурсандлигини чин бахтиёрлик деб ҳисобласа бўлади. Айниқса, ҳар қандай меҳнат етук малака ва иқтидор билан амалга оширилса унинг заҳмати ҳам, роҳати ҳам кунгилга ҳузур бағишлайди. Сир эмас, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар одамларимиздан турмушга янгича тафаккур, ўзгача назар билан қарашни талаб этаётир. Германиялик Конрад Аденауэр номли Фоднинг минтақамиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан ўтказилган семинар-машғулот ана шу маънода касб эгалари учун яна бир карра малака ошириш мактаби бўлиб хизмат қилди.

«Узбекистон Республикасида халқаро ҳамкорлик орқали кичик ва урта бизнесни ривожлантириш» мавзусида ўтказилган семинарда Республикамизнинг Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси тингловчилари ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик Маркази аъзолари қатнашишди.

Уйлаб қурилса, мамлакат миқёси доирасида ҳал қилиниши қийин кечаётган масалаларга биргина аудитория, ўттиз-қирқ кишининг ранг-баранг тафаккури ва баҳс-мунозаралар, амалий уйинлар орқали назарий жиҳатдан ечимлар топса бўлар экан. Мазкур семинар ана шу йўлни танлади. Шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинган семинар аъзолари уз олдига қўйилган муаммоларни ҳал этиш йўлларини узича ахтаришди. Хусусан, семинар иштирокчилари Узбекистоннинг инвестицион иқлими, қўшма корхона ташкил этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиблари, солиққа тортиш ва божхона хизмати билан тадбиркорлар орасида буладиган муносабатлар тўғрисида бош қотиришдилар. Хорижий инвестициялар бўйича республика Агентлигининг бўлим менежери И.Анорқулова, Халқаро тараққиёт бўйича Америка агентлиги (USAID)нинг ходими Уильям Э.Клавонн мазкур мавзулар устида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Маълумки, мамлакатимиздаги хусусийлаштиришнинг бугунги босқичида халқ хўжалигининг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқариб бўлинди, яратувчанлик фаолияти билан банд бўлган меҳнаткаш халқимиз асосан хусусий секторда меҳнат қилаётир. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, узининг хусусий бизнеси - тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бироқ, ачинарлиси шундаки, бундай ташаббус ва тараддудлар кўпинча узоққа бормай, ярим йўлда аросатда қолиб, корхоналарнинг банкротликка учрашига олиб келяпти. Семинар иштирокчиларининг уйин-машғулотлари ҳамда экспертларнинг илмий хулосалари эса бу нохушликнинг асосий сабаби пухта тузилмаган бизнес-планларда деб билди. Чуқурроқ таҳлил этилса, бу масалага кўпчилик корхоналар етарлича, баъзан эса умуман аҳамият бермаётганлиги маълум булади. Ваҳоланки, кичик ва урта бизнесни ривожлантириш маркази (GTZ/Luso Consult лойиҳаси) мутахассиси Елена Киселёванинг айтишига қаратанда бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда хусусий тадбиркорлик фаолияти алифбосининг бошида «бизнес-план» турар экан. Техник ҳамкорлик Германия жамиятининг мутахассиси Франк Хюфлер қушма корхоналар тузишдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йуллари ҳақида назарий ва амалий билимлари билан ўртоқлашди.Тўғрисини айтганда, республикамизнинг баъзи раҳбарлик бўғинларида халигача сансалорлик, расмиятчилик иллатлари сақланиб қолаётгани туфайли эркин иқтисодий фаолиятни ташкил этиш қийин кечаётир. Мазкур қийинчиликлар билан бевосита жаноб Ф.Хюфлернинг узи ҳам тўқнаш келган экан. Биргина мисол: исталган иқтисодий бақувват мамлакатда қушма корхонани расмийлаштириш учун 2-3 соатгина вақт лозим топилган айни даврда бизда бу жараён 2-3 ой, баъзан ярим йилгача чузилиб кетади. Ваҳоланки, иқтисодий ривожланишнинг муайян бир суръатига тушиб олган Узбекистон учун бундай қийинчиликлар аллақачон ортда қолиши лозимдир.

Шуниям алоҳида таъкидлаш керакки, соф иқтисодий мавзуда ташкил этилган семинар икки академиянинг махсус «иқтисодчи-тингловчи»лари қатори бизнинг ҳамкасблар - журналистларни ҳам жиддий қизиқтирди. Бошқача булиши мумкин эмас-да! Ижтимоий ҳаётимиз барчадан иқтисодий билим ва малака талаб этаётган экан, ҳар бир касбнинг профессионали саналмиш журналистлар ҳам соҳада ортда қолмасликлари даркор.

- Иқтисодий жабҳани тулақонли, қизиқарли ва таҳлилий тарзда ёритиш журналистлардан чуқур билим талаб этади,-дейди журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик Марказининг ижрочи директори Гулнора Бобожонова. - К.Аденауэр Фонди билан ҳамкорликда ташкил этиб келаётган семинар-машғулотларимиз узининг қуламдорлиги, мазмунан долзарб ва техник бойлиги билан ажралиб туради.

Дарвоқе, «техникавий бойлик» ҳақида. Узингизга маълум, беш кун давом этадиган семинар учун қанча ҳужжат, компьютер ва бошқа технологик мосламалар ишга шай қилиниши керак?! Семинар ташкилотчилари машғулотлар утказиш учун бевосита зарур ҳисобланган ҳужжатлар қаторида бевосита, иштирокчиларнинг кейинги амалий ишларида қул келадиган ҳужжатларни ҳам бир папкага жамлай олганлар.

- Узим Республика солиқ қумитасида ишлайман,- дейди Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси Собир Ширинов. - Шу билан бир вақтда икки иқтисодий мавзуларда номзодлик диссертациясини ёзаяпман. Утказилган семинар ҳам илмий, ҳам амалий иш-фаолиятимга аниқ йўналишлар топа олишимга ёрдам берди. Бунинг учун семинар ташкилотчилари - Фонднинг минтақавий ваколатхонаси вакили В.Шрайберга, иқтисодий-сиёсий семинар раҳбари Улуғбек Муҳаммадхоновларга ташаккур билдираман...

Қизғин баҳслар, мунозара ва таклифларга бой бўлган беш кунлик семинар якунида унинг иштирокчиларига махсус сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Совғаларнинг энг яхшиси эса машғулотларда ўзининг фаоллиги, фикрий уйғоқлиги билан ажралиб турган қатнашчиларга насиб этди. Аслида гап совғада эмаслигини шу ўринда англадим. Замонавий билимларга эга бўлиб, давр муаммоларини ҳис этиш билан бирга, одамларда озгина ғайрат-шижоат, амалий ҳаракат бўлса бу қийинчиликларни ҳал этиш осон кечади. Қимматбаҳо совғалар эса бундай мутахассислар учун рамзий бир парсадек ҳисобланади, холос.

Нодир АЛИМОВ,
семинар иштирокчиси.
Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик Маркази аъзоси.

Янги мавсум олдидан

ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Шофиркон: Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Y пленумида илгари сурилган гоя ва таклифлар асосида ишни мазмун ва шакл жиҳатдан тамомила янги мезонлар асосида ташкил этиш туман касаба уюшмалари фаолларининг диққат марказида турибди. Уларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида икки томонлама имзоланадиган шартнома бандлари чуқур таҳлил этилаётир. Меҳнат аҳли манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда қўплаб қушимчалар киритилганлиги ҳам сир эмас.

Яқинда туман бош пиллахонаси маъмурияти билан хом ашё етказиб берувчи жамоа вакиллари ўртасида имзоланган шартнома бандлари атрофлича муҳокама этилди. Бу муҳим ҳаётий ҳужжатга мувофиқ пиллакорларга ипак қурти боқиш мавсуми арафасида етиштирилиши мўлжалланган ҳосилнинг 25 фоизи миқдорида аванс пули тарқатилади. Қолган ҳисоб-китоб ишлари хом ашё қабул қилиниб олингач, узоғи билан икки ой давомида охирига етказилиши шарт. Шу тариқа қимматли саноат хом ашёси етказишнинг удасидан чиққан пиллакор ўз меҳнатининг самараларидан баҳраманд бўлиб, олинадиган даромади унинг турмуш фаровонлигини изга тушиши учун хизмат қилади.

- Туманимизда пиллачилик сердаромад тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Йил сайин белгиланган режалар ошиғи билан бажарилаётир. Чунончи, 1997 йилда мулжалдаги 230 тонна урнига 307 тонна сифатли хом ашё тайёрланди. Режа ижросини 134,5 фоиз қилиб уддаладик. Ҳар қути уругдан туман бўйича 57 килограммдан ҳосил олинди.

Икки томонлама имзоланган шартномага мувофиқ туман бош пиллахонаси хўжаликларга қисқа муддатларда 19 миллион сўм маблағ тўлади. Шу тариқа шартнома бандлари тула-тўкис бажарилди. Юқори натижаларга эришган Иброҳим Муминов номли, Файзулла Хўжаев номли, «Ҳайдаробод», Мансур Одилов номли жамоа хўжаликларининг азамат пиллакорлари яхшигина даромад соҳиби бўлдилар,- сўзлайди туман бош пиллахонаси директори Ражаббой Худойбердиев биз билан бўлган суҳбат чоғида.

Шартноманинг бу йилги бандлари ҳам чуқур мулоҳазалар асосида ишлаб чиқилгани сезилиб турибди. Унда томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, пировард натижалар учун масъуллиги очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган. Бош пиллахона етарлича пилла уруғи, қоғоз ва бошқа керакли асбоб-ускуналарни етказиб беради. Сифатли ҳосил етиштириш борасидаги ишни қаттиқ назоратга олади. Пиллакорларга ҳам амалий, ҳам назарий ёрдам бериш чораларини кўради.

Яна бир таъкидлашга молик жиҳат, бозор иқтисоди даврида пулни қадрсизланиши билан боғлиқ ҳолат инобатга олиниб, пилла харид нархларини кескин ошириш билан бевосита боғлиқдир. Шу боисдан ҳам олинган ҳар бир кило пилла хом ашёси учун камида 250-300 сўм ҳақ тўлашга келишиб олинган. Йил якунига кўра бош пиллахона маъмурияти ялпи хом ашёни сотишдан тушган қушимча фойдадан ҳам ҳақ ажратади. Шу тариқа шоферконлик пиллачиларнинг даромадлари кескин ошиши кутилаётир.

Туманда янги мавсум (режа 230 тонна)га пухта тараддуд кўрилаётганлиги сезилиб турибди. Тутзорларни суғориш, озиқлантириш ишлари қизғин олиб борилаётир. Икки томонлама шартномага мувофиқ 2600 дан зиёд пиллачилик звеноларига мавсум арафасида 25 фоиз миқдорида ҳақ тўлаш тараддуди ҳам кўрилаётир.

Туман пиллахонаси маъмурияти «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти билан контрактация шартномасини ҳам имзолаган бўлиб, унга мувофиқ 1998 йилги пилла ҳосили тўлиқ шу корхонага сотилади.

Хуллас, Шофирконда давр талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳа меҳнатчиларига ғамхурлик кўламини ошириб бориш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар узининг ижобий самараларини беришига ишончимиз комил.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Дўстлик шаҳридаги «Оқ йўл» хусусий кичик корхонаси иш бошлаганига кўп бўлмасада тезда тилга тушди. Бу ерда техника воситаларига техник хизмат кўрсатилади.
Суратда: (чапдан) ҳайдовчи Алишер Алихонов корхона раҳбари Эшпўлат Мелибоевлар.
Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Касаба уюшмаларида

ҲАММА ИМКОНИЯТИ ДОИРАСИДА

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашида касаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш долзарб вазифага айланаётир.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини жонлантириш, уларнинг ишини ҳозирги кун талабларидаражасига кутариш учун қатор тадбирлар амалга оширилди. Ойнинг ҳар чоршанбасида муайян тармоқдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотига шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг масъул ходимлари ташриф буюриб, зарурий ёрдамларини кўрсатаётирлар.

Хусусан, яқинда қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати касаба уюшма шаҳар қумитасида пойтахт шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирокида ушбу муҳим тадбирнинг аҳамиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни тармоқ ходимлари касаба уюшма шаҳар қумитасининг раиси Б.Раҳмонов, шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раисининг уринбосари Ф.Рузибеков тармоқдаги нуқсон ва камчиликларни рўй-рост очиб ташлашди.

Айниқса, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишдаги камчиликларни бартараф этиш, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида янада қизғинроқ, замон талабларига мос иш олиб бориш зарурлиги уқтирилди. Шу билан бирга мажлисда ижобий кўрсаткичлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, «12-Қурилиш трести» акциядорлик жамиятида арзонлаштирилган овқатланиш ташкил этилганлиги, бошқа корхоналарда уй-жой олиш учун навбатда турган бинокор аҳлига танҳархининг 50 фоизи қимматида берилганлиги айни муддао булгани эслатиб ўтилди. Зеро, янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ҳамма уз имконияти доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилса, кузланган мақсадга эришиш осон бўлиши қайта-қайта таъкидланди.

Йиғилиш охирида пойтахт шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси О.Сафоев ушбу муҳим тадбирнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тухталиб утди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Давр қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни, мулкнинг янги шаклларини жорий этишни, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш учун фермер, деҳқон хўжаликларидан янада самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу уз навбатида касаба уюшмалари ташкилотлари зиммасига ҳам муҳим вазифа юкламоқда. Шунинг учун айни вақтдаги вазият касаба фаолларидан атрофлича билимли бўлишни талаб қилмоқда. Шу боисдан ҳам касаба фаолларининг ўқувлари ташкил этилмоқда.

Касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги ўқув Паркент туманида бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмалари вилоят қумиталарининг раислари, райондаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг раислари ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўқувни Касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси М.М.Тулаганова кириш сузи билан очди. Шундан сунг Паркент район ҳокимининг муовини Х.Эрматов сўзга чиқиб, айни вақтдаги райондаги иқтисодий аҳвол ҳақида уни янада юксалтиришда касаба уюшмаларининг роли ҳақида гапирди. Шундан сунг Узбекистон маънавият ва маърифат марказининг бўлим мудири Ш.Жумаев, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг доценти Р.Андронова, агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент вилоят қумитасининг раиси К.Шодиметов, Тошкент вилояти меҳнат, иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси бошлиғи Т.Холбоев, Касаба уюшмалари Тошкент вилоят қумитасининг бўлим мудирлари М.Ниёзова, М.Иногомовлар сўзга чиқдилар ҳамда йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Н.РАФИҚОВ.

Ижтимоий ҳимоя

МЕҲНАТ ВА КАФОЛАТ

«Қашқадарётранс» ҳиссадорлик Давлат бирлашмасига қарашли Ғузордаги автокорхонада қарийб 400 киши меҳнат қилади. 30 киши маъмуриятда фаолият кўрсатса, қолганларнинг ҳаммаси ҳайдовчилар ҳисобланади. Автокорхона халқ хўжалик юкларини манзилдан манзилга ташиш, йўловчиларга транспорт ва такси хизмати кўрсатишга йўналтирилган. Бугунги кунда мазкур корхона автомашиналари Талимаржон ГРЭСи қурилишида, Шўртан газ конлари бошқармасида, Шўртандаги кимё заводи қурилишида ва бошқа қишлоқ хўжалик соҳасидаги барча юмушларда қатнашмоқда.

Автокорхонамизда 200 дан зиёд транспорт воситаси бор,-дейди корхона бошлиғи Эргаш ака Тошев. Кунига 18-19 минг кишига транспорт хизмати кўрсатаяпмиз. Бугунги кунда туманнинг чекка қишлоқларига ҳам автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

- Автокорхонада ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш қай тарзда олиб борилмоқда?

- Тақсимот билан таъминот ўртасида оз бўлса-да, узилиш бўлиб турган бир жараёнда корхонада ишловчиларни ижтимоий ҳимоясига эътиборни қаратмасликнинг сира иложи йўқ. Шу боис биз аввало ишчиларнинг ойлик маошларини вақтида тарқатишга эришганмиз. Корхона вилоятдаги «Дунё» ҳиссадорлик жамияти, яъни дон маҳсулотлари комбинати билан шартнома тузган. Шартномага биноан ишчиларга баҳоли қудрат ун ва ун маҳсулотлари тарқатилаётир. Шунингдек, арзон нархда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилмоқда. Ёрдамчи хўжалигимизда 500 бошга яқин қўй-қўзимиз бор. Байрам пайтлари ва ишчиларнинг тўй ҳамда маросимларида гўшт бераяпмиз. Корхона қошида аҳолига пуллик хизмат кўрсатадиган цех очилган. Ошхона ва новвойхона ишлаб турибди. Яқинда профилакторий ишга тушади. Хуллас, ишчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоялашни бош мақсад қилиб қўйганмиз. Биз корхона раҳбари билан биргаликда корхонани айландик. Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатадиган барча қулайликлар яратилган. Транспорт воситалари ҳайдовчилари Бобоқул Ўринов, Рустам Отажонов, Холмурод Топоров, Амир Бегимқулов, Юсуф Бердиев меҳнатда ҳамкасбларига ибрат кўрсатишмоқда экан. Улар ўзлари бошқараётган транспорт воситалари умрини узайтиришда катта тажриба тўплашган. Корхона маъмурияти билан касаба уюшма қумитаси ўртасида меҳнат шартномаси аллақачон белгилаб олинган. Касабақўм раиси Ҳожимурод Ҳайитов шартноманинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Бундан ташқари, корхона маъмурияти Оила йили муносабати билан алоҳида тадбир белгилаб олган. Тадбирга кўра корхона маъмурияти ва касаба уюшма қумитаси билан ҳамкорликда автокорхонада ишловчи ҳар бир кишининг оилавий шароити билан қизиқмоқда. Ишчиларнинг ташвиши, қувончларига шерик бўлишаётир. Мақсад — ишчилар оиласига баҳоли қудрат маъмурият томонидан моддий ёрдам кўрсатиш.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

УЧУВЧИЛАР ҲОРДИҒИГА ЭЪТИБОР

«Тошкент» аэропорти профилакторийси фаолияти парвоздан олдин дам олувчи экипажлар аъзоларининг кўплаб эътирозларига сабаб булар эди. Самодаги кўп соатли ишдан аввал яхши дам олишнинг муҳимлиги барчага яхши маълум. Профилакторийда ўтказилган вақтни эса, афсуски, яқин-яқингача яхши деб айтиш қийин эди: экипажлар хоналарда қулай шарт-шароит яратилмаганидан то овқатнинг бемазалигигача булган кўп нарсадан шикоят қилишарди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда профилакторийда кишини хурсанд этадиган ўзгаришлар юз берди.

Авиакомпания ва «Тошкент» аэропорти раҳбарияти ёрдамида бир неча ой мобайнида илгари йиллар давомида бажарилмаган ишлар амалга оширилди, — дейди профилакторий бошлиғи Али Озодалиев. — Биринчи навбатда, анчалан бери ўтказилмаган капитал таъмирлаш билан шуғулландик. Совуқ ва иссиқ сув билан таъминлаш ва иситиш қувурларининг барчасини алмаштирдик. Ҳозирда сантехникани алмаштириш давом этмоқда. Хоналар шинам, дам олувчиларнинг ҳордиғи ёқимли булиши учун эскирган жиҳозларни янгилай бошладик. Ҳолодильник, телевизор ва турли аппаратураларни олиш учун кўп маблағ сарфланди. Ҳоҳловчилар биллиард ёки теннис уйнаши, бошқа уйинлар билан машғул булиши мумкин. Ошхонада ҳам кўпгина ўзгаришлар юз бериб, янги ускуналар ўрнатилди, нисбатан қулай ва чиройли идиш-товоқлар пайдо булди. Талайгина ишлар амалга оширилди.Бироқ бажариладиган ишларнинг кўпи ҳали олдинда: масалан, муайян вақтдан сўнг профилакторийнинг бассейн, саунаси булган, хос ускуналар билан жиҳозланган руҳий чарчоқдан холи булиш мажмуаси бунёд этилади. Биз учун энг асосийси, бугунги кунда илгари булгани каби шикоятларнинг йуқлигидир.

Ижобий ўзгаришлар ҳақида профилакторийнинг катта тиббий ҳамшираси Любовь Агафоновна ҳам сузлаб берди. Аэропорт томонидан дори-дармонлар сотиб олишга кўпроқ маблағ ажратила бошланди. Фельдшерлар фаолият кўрсатиши учун шароитлар яхшиланди. Шаҳарда турли касалликлар «кезиб юрган» шу кунларда барча тиббиёт ходимларининг эътибори юқумли касаллик билан огриганларнинг профилакторийга келиб қолмаслигига қаратилган. Бу ерда қаттиқ назорат ўрнатилган булиб, бирор касаллик аломати сезиб қолинса, у одам уйига ёки касалхонага жунатилади. Хоҳловчилар Любовь Владимировна, фельдшерлар Лемара Кан, Галина Марочкина ва бошқалардан доимо зарур ёрдам ва маслаҳат олиши мумкин.

Утган йиллардагига нисбатан тайёрланаётган таомларнинг сезиларли даражада яхшиланган сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

Табиийки, профилакторий жамоаси нафақат МАКнинг, балки Тошкентда эстафета билан қатновчи бошқа авиакомпания экипажларининг ҳам яхши ҳордиқ чиқаришлари учун қулидан келган ишларни бажаришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, ҳамма нарса ҳам фақатгина истакка боғлиқ эмас: керакли шароитлар ҳам булиши лозим.

— Аэропорт раҳбарияти профилакторий фаолиятини имкони борича яхшиланга интилмоқда, — дейди аэропорт директори ўринбосари Нозим Соатов. — Бироқ шундай муаммолар борки, уларни узимиз мустақил ҳал қилишимизнинг иложи булмади. Масалан, электр таъминоти доимо ҳам ишончли эмас. Профилакторийни электр энергияси билан таъминлаш кабедидан кўпгина объектлар фойдаланади ва ҳатто узоқ муддатли учириб қўйишлар ҳам булиб турали. Заҳира кабелимиз эса йўқ. Шаҳар ва туманнинг тегишли ташкилотларига мурожаат этдик, бироқ бу муракаб муаммони тезда ҳал қилиб булмайди.

Ошхонамизни узимиз хоҳлайдиган маҳсулотлар билан таъминлай олмаётганимиз ҳам ечилмаётган муаммолардан биридир. Таъминловчилар эса маҳсулотларни фақатгина пул ўтказиш йули билан харид қилишга рухсат берилганидан фойдаланиб, айрим ҳолларда бошқа ҳеч ким олишни истамайдиган нарсаларни ҳам бизга «тиқиштириб» юборишади. Учувчилар таркиби муносиб равишда овқатланиши кераклиги барчага маълум булса-да, профилакторий ошхонасини улар олдий умумий овқатланиш тармоқлари қаторига киритиб қўйишган. Профилакторий учун маҳсулот харид қилиш тизимини ўзгартириш ҳақидаги масала аэропорт раҳбарияти томонидан куриб чиқилмоқда ва бу масалани ҳам ижобий ҳал этамиз, деб умид қиламан.

Амалга оширилган ишлар ҳақида гапирадиган булсак, Али Озодалиевичнинг ҳаракатчанлиги ва ишбилармонлигини таъкидлаш жоиз. Илгари профилакторийга ҳужалик масалаларини яхши билмайдиган тиббиёт ходимлари раҳбарлик қилиб, экипажларга айнан тиббий хизмат кўрсатишни биринчи уринга қўйишарди. Аслида, профилакторийда яхши дам олишни ташкил қилиш учун масалага комплекс ёндашиш зарур. Янги бошлиқ ишга айнан шундай ёндашмоқда. Бутун жамоанинг ҳам ният шу...

Бир қатор авиаторларнинг фикрича, сезиларли ўзгаришлар юз берган. Шикоятлар ҳам камайган. Аммо ҳамма нарса жойига тушди дейишга эрта. Бу муаммолар хусусида мутасаддилар иш олиб боришмоқда ва албатта, уларнинг тезроқ ҳал қилинишига ишонамиз.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

1998 йил — Оила йили

Одамийлик сабоқлари

ОЗОДАЛИК ШАРОФАТИ

Халқимизда «Тани соғлиқ-туман бойлик» деган нақл бор. Дарҳақиқат, шундай. Аллоҳ Таоло бандасига инъом этган улуғ неъматлардан бири саломатлик бўлиб, уни асрашнинг энг мақбул йўлларидан бири озодалик ва покизаликдир. Инсон ҳам руҳан, ҳам жисман, пок бўлса камолотга етишиши шунчалик осон бўлади. Қуръони Каримнинг «Бақара» сурасида «Аллоҳ пок юрувчиларни яхши кўради» дейилади. Пайғамбаримиз САВ бир ҳадиси муборакларида «Поклик имон шартларидандир» деб марҳамат қилганлар.

Албатта, поклик, тоза юриш, озодаликни фақат таҳорату ғусл қилиш деб тушунилмаслик керак, балки ҳар бир мусулмоннинг кийими, намозгоҳи, ҳовлию саҳни, иш жойлари , кўчаси ва маҳалласи тоза бўлиши керак.

Қиш оппоқ кўрпасини йиғаяпти. Она замин сувга қонди. Ҳадемай ўлкамизда баҳор бошланади. Уйлар кўтарилади, ҳовлилар, ариқлар тозаланади. Кўчатлар экиб, озодалик билан баҳорни қарши олишимиз лозим. Тани соғлиғу, поклик асосида озодалик ётади. Озодалик шарофати ҳар жабҳада сезилади. Озодалик инсонни бадану-аъзоларидан бошланиб, она заминдан коинот поклигигача давом этувчи занжирдир. Бугунги кунда она заминни, сув, ҳаво қўйингки, атроф-муҳит покизалиги учун курашни янада кучайтиришимиз керак. Табиат муҳофазаси бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири. Унга амал қилиш ҳар бир инсоннинг энг олий бурчидир. Ҳар куни супурилиб, ахлати олинадиган жой тоза бўлмайди, балки ифлос қилинмайдиган жой тоза бўлади.

Соғлиқни сақлаш, озодалик, покизалик, шахсий гигиена қоидалари тиббиётда ва шариатда бир хилдир. Биргина ибодат қилишнинг ўзида ҳам руҳий, ҳам жисмоний покланиш кузатилади. Исломнинг озодаликка катта эътибор бериши қуйидаги ишларда яққол кўзга ташланади. Таҳорат: қўлни ювиш, оғизни чайқаш ва ғарғарада томоқнинг тозаланиши, бурунга сув тортиб димоғни тозалаш, юз-кўзнининг ювилиши, қулоққа, бошга, энсага масх тортилиши асосида озодалик ҳикматлари, микроблардан фориғ бўлиш, демак касалликларнинг олдини олиш ҳикматлари ётади. Ғусл қилинганда бутун бадан покланади. Шариат доимо озода ва покиза кийим кийишни талаб қилиши ҳам маълум. Қуръони Каримда «Кийимингни покла» деган оят мавжуддир.

Ўнг қўл саломлашиш ва овқатланиш учундир. Пайғамбаримиз САВ бир ҳадиси муборакларида «Сизлардан ким суюқлик ичса, идишнинг ичига нафасини туширмасин (пуфламасин) деганлар ва яна «Агар умматимга машаққат бўлмаганда эди, ҳар намоздан олдин мисвок қилишга, яъни тишни тозалашга буюрган бўлар эдим» деганлар.

Бундан кўринадики, ҳар бир инсон озодаликка кунда жиддий эътибор бериши лозим.

Муҳтарам юртдошлар! Барча жабҳаларда озодалик ва покизаликнинг ҳикмати чексиздир. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ САВ «Оёқ остида ётган, мусулмонларга ҳалақит берувчи нарсаларни олиб ташлаш имондандир» деб марҳамат қилганлар. Эрта тонгдан эшикларимиз атрофига сув сепиб, супуриб озода қилиб тозалаш удумимиз остида иймоний урф ётибди. Агар шу ҳадиси муборакка амал қилсак, бутун кўчаю, маҳаллаларимизу, туманлару, шаҳарларимиз ҳар куни озода бўлур эди. Негадир, одатимизни эсдан чиқариб қўймоқдамиз. Фарзандларга буни ўргатайлик. Шунда жойларда ахлат тўпланиб қолмаган бўлармиди?

Одамлар кўп йиғиладиган жойларда - боғча, мактаб, институт, корхоналар, фирмалар ва шунга ўхшаган жойларда шахсий ва умумий озодагарчиликка жиддий эътибор берилмаса, ифлослик касрига учраб қолиниши ҳеч гап эмас. Шариату, тиббиёт қоидаларини барчамиз, катталару кичиклар, динидан, эътиқодидан, касбидан, бойлигидан ва мансабидан қатъий назар бажарсак - озодалик шарофатига, тани соғлиқ - туман бойликка ботиний ва зоҳирий покликка, покланишга етиб борамиз. Акс ҳолда ифлослик касофати тўфайли ўзимизга ўзимиз зулм қилган ҳолда касалликка, фалокатга, ҳалокатга дучор бўлиб қоламиз. Бундан Аллоҳ асрасин. Азизлар, «поклик имондандир». Буни доимо ёдда сақланг.

Зиёвуддин ҳожи ЗАЙНИДДИНХОН ўғли маърузаси асосида ШОМАҲМУД тайёрлади.

Фақат қизлар ўқисин

«СОЧИ УЗУНИ БОРКУ...»

— Қиз боланинг ҳусни сочида, дейди 15 йилдан ортиқроқ сартарошхонада ишлаган самарқандлик Муборак опа. - Ишга эндигина келган пайтларимда рўй берган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Сочлари тақимини ўпадиган бир ёшгина қиз тўйи олдидан менга сочини қирқтирмоқчи эканлигини айтганида, мен уни ҳадидан қайтармоқчи бўлганларим зое кетгандан сўнг, у ёнимдаги шеригимга барибир қирқтириб кетди. Мен унинг бўлиқ, узун, тим қора сочларига бирам ачиндимей. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳалиги қизнинг уналтирилган йигити фотиҳани бузибди, деб эшитдим. Ахир қайсидир йигитларга узун сочли қизлар жуда-жуда ёқиши сир эмас-да.

Муборак опа мени бир оила билан таништирди. Бу хонадоннинг бир келинлари бор экан, бир қизлари бор экан - сочлари кўйлагидан ошади.

- Бу хонадонга келин бўлиб тушганимда сочим узун эди-ю, сийрак, рангсиз эди. Қайнонам раҳматли мендан олдин тушган овсиним иккиламизга сув иситиб бериб, ишонмассиз балки, узлари ювиб қўярдилар.

Болам сочни ювишни билишда ҳам гап кўп. Сизларнинг ювганларингиздан кўнглим тўлмайди, дердилар. Овсинимнинг ҳам, невараларининг ҳам сочлари қалин, узунлигининг сирини ана шунда англадим. Қайнонамнинг елғиз қизлари бўлиб, узоқда яшар, у кишининг ҳам сочи узун эди,- дейди шу хонадоннинг кичик келини Ҳурматой Маликова.

- Ушандан бери қайнонамнинг ўгитларига амал қилиб, сочларимизни ҳафсала билан парвариш қиламиз.- гапга аралашди катта келин Муяссар опа.

- Ҳақиқатан ҳам овсиним Ҳурматойнинг гапида жон бор. Қайнонам соч парваришига жуда катта эътибор берардилар. Аввал бошимизни атир совун билан яхшилаб ювдириб, кейин янги қатиқдан 1 қошиқ солдирардиларда қайта-қайта тароқлаб ювиб қўярдилар. Қатиқлаб ювиб бўлганларидан кейин номига шампун солиб чайдирардилар. Сунгра нам пайтида эринмасдан майдалаб ўриб қўярдилар. Сочимизни вақтидан ўтказиб, ёки вақтидан олдин ювишимизга рухсат бермасдилар. Ҳар 5-6 кунда ўрилган сочларимизни ҳатто узлари тарқатиб, ювдиртирарди.

Мен қора сочлари узун, жилваланиб турган бу овсинларга, бувисининг ўгитларига гарчи у киши оламдан ўтганларига 10 йилдан ортиқ бўлган бўлсада ҳамон амал қилиб келаётган невара қизларнинг сочини кўриб бирам ҳавас қилдимей. Ҳозирги кунда уларнинг уччаласи ҳам уч хонадоннинг кўркам келинлари. Энди мана шу сочга боғлиқ ҳангомани қизларнинг келинойиси Ферузадан эшитинг. - Уч опасингил бирин-кетин бўй етди. Мактабни битирар битирмаслариданоқ совчилар остонамизда аримай қолишди. Бир куни қайнонамга меҳмон аёллар совчиликка келганини билдириб қўйгандан кейин ойимлар қайси қизимга, деб сўрадилар. Совчиларнинг ёшроғи «Сочи узуни бор-ку ўшанга келдик», дедилар.

Қайнонам мийигларида кулиб: -Уччаласининг ҳам сочи узун, деганидан кейин бояги хотин шошиб-пишиб, - «Вой унда жуда яхши кичик укагинамга ҳам қиз излаб овора бўлмасканмиз, иккала қизингизни берсангиз ҳам берасиз, бермасангиз ҳам берасиз», деб савдони пишитиб кетишди.

Ҳозир ўша 2 та қайнисингилим бир хонадонга тушган. Қайнонаси келинларининг сочи билан бирам фахрланади-ей. Бу билан демоқчиманки қиз боланинг сочида-да бари ҳусни.

Биз бу «сочи бир қиз-ўзи бир қиз»лар билан узоқ гурунглашдик. Нега ҳозирги қизларнинг сочи аввалги пайтлардагидек узун эмас? деган савол билан Муборак опага мурожаат қилдик.

- Соч жуда парваришталаб бўлади. Совуқ, қуёш, шамол натижасида соч тез синади, тўкилади ва рангини йўқотади. Қолаверса, ҳозир ҳеч ким сочига жиддий эътибор бериб парвариш қилмайди. Ювадиган воситаси бари химикат - шампун, совундан иборат бўлса.

Аввалари қизлару, келинлар бошидан дуррасини туширмаган. Шунинг учун ҳам соч асл рангини сақлаган, ташқи таъсирлардан ҳимояланган. Қатиқ, табиий хина, усма, мойчечак, тухум сариғи каби табиий воситалардан илгари жуда кўп фойдаланилган, текис қилиб тараб доимо ўриб қўйилгани, кам таралгани учун (чунки улар ёзиб юришмаган-да) сочлари мустаҳкам бўлиб, яхши ўсган. Ҳозир сунъий жингалак қилдириш, сунъий буёқлардан фойдаланиш, узоқ-кун сочни ҳар мақомга солиб тараш натижасида сочлар ўз кучини йўқотган. Сочни ҳатто тўғри тарашда ҳам ҳикмат кўп. Узун сочлар учидан, калта сочлар илдизидан таралишини кўпчилик билмайди ҳам. Сочни қирқтириш, калтартириш озодалик, кўркамлик туфайли қилинади, лекин ўсишига ёрдам бермайди...

Соч ҳақида, соч қизларнинг ҳусну малоҳати эканлиги, сочи узун қизлар ҳамиша йигитлар қалбининг тўридан жой эгаллаши ҳақида айтмоқчи бўлганларимиз шулар эди. Сочи узун қизларга эса айтадиганларимиз, нозик белларингиз ҳеч ҳам ҳақиқий дустларидан айрилмасин.

Суҳбатни Барно СУЛТОНОВА ёзиб олди.

Янгийўл туманидаги Сафар Паизов хонадонида 10 фарзанд улғайди. Ҳозирги кунда оиланинг 6 фарзанди ўқитувчилик қилмоқда. Фарзандлар бирин-кетин уйли-жойли бўлишаяпти. Йигирмадан зиёд набира катталар ортидан бораяпти.

Суратда: Паизовлар оиласи.

Р.Галиев олган сурат.

Масаллар

ВАҚТ ЎТГАЧ...

- Яна кўп яшашинг керак эди. Ҳар йили ҳосилинг ёмон бўлмасди,- деди одам қуриган дарахтга.

- Ҳаётлигида мевасини тотиган экансан, қуриб боряпганини сезмабмидинг?- деди дарахтнинг ёнидаги ниҳол. - Бевақт қуригани сабабини унинг ичини кемирган ва ҳозир ҳам кемираётган қуртлардан сура.

ТАГИ ОМОНАТ

Кўп йил хизмат қилиб ёшини яшаган қозиқнинг кўриниши чайир, тик турарди.

- Бир жойда тураверсанг, тураверсанг зерикмадингми?- сўрашди ундан.

- На чора? Ўрнимдан қўзғалай десам, тагим чириган. Сирим очилиб қолади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Оила даромади: уни қандай кўпайтириш мумкин?

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳар гал қишлоққа борганимда албатта Ботир акани йўқлайман. Бирга анча суҳбатлашиб ўтирамиз. Фарзандлари-ю, умр йўлдоши Меҳри холани тиниб-тинчиттирмайдиган Ботир ака меҳнаткашлиги билан тенгдоши-ю қўшниларидан ажралиб туради. Шунга яраша рўзғори ўзгаларникидан ўзгачароқ, оила дастурхонидаги мул-кўлчилик ҳаммани ҳавасини келтиради.

Бу сафар ҳам ҳар доимгидек хонадон бекаси дастурхонга олма, туршак, жийда, ёнғоқ, қўйингки борини тўкди. Баҳор бошида бундай тўкинликни кўпгина хонадонда учратавермайсиз. Ботир ака Жиззахнинг чекка бир қишлоғида яшайди. У кишининг боғроғини, мол-қўйлари-ю, паррандаларини кўрганимда ана шу тўкинликнинг сабабини англагандай бўламан. Ботир ака об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар боғдами, молхонадами ёки товуқларнинг орасидами қуймаланиб юради.

Бу гал ҳам иш устида учратдим. Яна қанақа иш денг - каттагина ошқовоқни майдалаб ўтирган экан.

- Э, ука, кўрмаяпсанми, анави куркаларни,- дея сўз бошлади Ботир ака. Бу куркаси қурмағур жуда очофат бўларкан, ҳеч тўйдиролмайман. Ошқовоқни улар зўр иштаҳа билан ейишади.

- Кўпчиликнинг сизникига ўхшаш боғ-роғлари бор. Лекин уларда сизникидай ҳосилни, тўкинликни кўрмаганман.

- Дарахтни экиб қўйган билан ҳосил бўлавермайди, деганлар қаттиқ янглишадилар. Ҳосил меҳнатга яраша бўлади. Тўғри баъзиларнинг боғи меникидан ҳам катта, дарахтлариям кўп, лекин ўшалар ҳам меникидан у бу нарса сотиб олиб кетишади.

Атиги 20 тупга яқин мевали дарахтим бор. Худо берган ана шу нози-неъматлардан қишин-ёзин баҳрамандмиз. Йилига 1 тоннага яқин олма териб оламиз. Ёнғоқ, жийда, ўрик, шафтолиларнинг ҳам ҳосили чакки эмас.

- Олмаларнинг бирортасининг қурти йўқ, заҳа емаган-а, қандай сақлагансиз уларни?

- Дарахтни гуллаганидан бошлаб то гули тўкилгунича 5-6 марта дорилайман. Ҳосил пишиб етилгач олмани авайлаб териб оламан. Айрим кишилар у йўқ, бу йўқ деб нолишади. Ун, ёг, гуручдан бошқа ҳамма нарса узимизнинг мана шу боғдан чиқади. Гўшт тугаса қўй-эчкилар, қорамолим, товуқ, курка бор. Йил бўйи оғзимиздан оқлик аримайди. Ҳар якшанба куни картошками, олмами, ёнғоқми сотиб 700-800 га яқин пул қиламан. Боқиб семиртирган қорамолми, қўйними сотиб, ўрнига яна бошқасини семиртиришга боғлайман. Хуллас, тиним йўқ. Сигирлар сутдан қолган пайтиям бизникидан сариёг аримайди. Ёз буйи ортган сариёгни холанг қишга йигади.

Бир кун бекор қолсам диққатим ошиб кетади. Худди шу кун бир йилга чузилгандай булади. Узинг курасан ези билан богда етиштирилган сабзавот, мева-чева, эрта баҳорда эса пиёз, бодринг уруғи, помидор, булғор қалампири кучатларини сотаман. Қишда олма, туршак, жийда, ёнғоқ, ошқовоқ сотилади.

Қайтар чоғи у кишининг меҳнатларига тан бердим. Уйлаб уйимга етолмадим. «Ахир бизнинг богимиз ҳам, ер-сувимиз ҳам у кишиникидан кам эмас-ку, нега шу нози-неъматлар шу кеча-кундузда дастурхонимизда йўқ-а, нега?»

Шоди ОТАМУРОДОВ

ОШДАГИ ТОШ

ёки лаганбардорликнинг катта-кичиги бўлмайди

Чойхона палов бошқача бўладида. Айниқса, гапи-гапга, дили-дилга яқин улфатлар йиғилган бўлса унинг савобига нима етсин!

Мана бугун ойлик маош қўлга тегди-ю, ҳаммамиз ғимирлаб қолдик. Шундай ишларга суяги йўқ Шодиқул ошни «смета»сини қотирдида, хонама-хона юриб пул йиғишга киришди.

Бугунги улфатчилик сал бошқачароқ бўладиган бўлди. Хўжайин Аҳмад Валиевич ҳам чойхона палови соғинганини айтиб, улфатчиликнинг оғирроқ қисмини ўз зиммасига олди.

Иш вақти тугашига ҳам сабримиз чидамай узун-қисқа бўлишиб чойхонага йўл олдик. «Оби замзам»дан бир-икки пиёладан олганимиздан кейин Шодиқул ошни сузди. «Қани олинг, қани олинг» билан ош ейишга киришдик. Бай-бай, шу Шодиқул деганимизни қўли бениҳоя ширинда, гуруч дегани катта лагандан ўрмалаб кетаман дейдия. Битта гўшт, битта гуруч қилиб ошни ошаб турибмиз...

Бир вақт Холиқулни жағлари орасида нимадир қарсиллаб кетди. У оғзини беркитганича, майда тошни тили билан топиб, ҳеч кимга билдирмай олиб ташлади.

Ош ейишни хўжайинга чиқарганда, ҳар бири гўдакни калласидек-калласидек ошамлар тилло тишлардан ярақлаб турган ўрага бирин-кетин бориб турибди. Шу пайт хўжайининг оғзида ҳам нимадир қарсиллаб кетди. Назаримда қайсидир бир тиши синиб кетдиёв. Барчамиз қотиб қолдик. Бировни қўли лаганга узатилган, бировни қўли ярим йўлда муаллақ, кимдир оғзидаги ярим чайналган ошни ютишни ҳам унутган...

Хўжайин эса оғзида чайналиб аталага айланган салкам бир коса ошни қўлига олдида ёнидан гугурт чўпини олиб, аста тита бошлади. Солиқул билан Алиқул бўлса хўжайин қўлидаги аталани кўрсаткич бармоқлари билан титиб, шундай мўътабар зотнинг тишларига озор берган тошни қидиришга тушишди. Узоқроқда қолган бизлар эса ўша тош ўлгурни топишдан бенасиб бўлганимиздан ўксиниб, хўжайин қўлидаги қоришмага тикилиб қолдик.

Мана ниҳоят Солиқулни қувончли овози янгради. Топдим хўжайин, топдим, дедида бурганинг қузидек оқ тошни боши узра кўтариб, ўтирганларга кўз-кўзладида оҳиста даструмолига ўраб чўнтагига солиб қўйди. Аҳмад Валиевич ҳам қўлидаги қоришмани дастурхон четига қўйди ва яна иштаҳа билан ош ейишга киришди. Қолганлар ҳам ишга тушиб кетди.

Бор воқеа шу холос. Лекин хўжайиннинг оғзидаги тошни топган Солиқулни шодлиги чексиз, шу тошни топа олмаган Алиқулни шодлиги эса ҳамин қадар эди.

Абдувоҳид ҚОДИРОВ

Laylak va mushukcha

(fors ertagi)

Bolalar, laylakni ko'rganmisiz ? Laylak tumshug'i katta, oyoqlari uzun va ingichka qushdir. U sayoz suvlarning bo'yida yashaydi. Bu qush baliq tutishda joida usta va baliqni juda yahshi ko'radi. Kunlardan bir kuni laylak suv ichida bir oyog'ida turganicha baliqlarni tutib, mazza qilib yeb turgan ekan. O'sha yaqin atrofda bir mushuk ham yashar ekan. Uning bolasi suv bo'yiga kelibdi. Laylakning baliqlarni tumshug'i bilan tutib turganini tomosha qilibdi. Laylak har safar tumshug'ini suvga tiqsa, bitta baliq ilinib chiqaverarkan. Mushukchaning ham qorni juda och ekan. U laylakning yoniga kelib :

Qanday qilib baliq tutayapsan ? Buning bironta siri bormi ? - deb so'rabdi.

- Agar sirimni hech kimda aytmaslikka va'da bersang buni o'rgataman, - debdi laylak.

Mushukcha bu sir ikkalamizning oramizda qoladi, hech kimga aytmayman deb so'z beribdi.

Laylak unga o'z sirini bayon qilibdi. Uzun oyoqlariga ishora qilib debdi :

Mening hamma sirim shu uzun oyoqlarimda. Baliq tutishni istasam, bitta oyog'imni suvdan chiqarib olaman. Baliqlar esa mening bitta oyoqda tura olishimda hech ham ishonishmaydi. Shuning uchun ular suvdagi oyog'imning atrofida o'ynashadi. Meni yiqilib tushadi deb o'ylashadi. Men fursatdan foydalanib, ularni bitta-bitta ushlayman. Sen ham agar baliq tutmoqchi bo'lsang suvda bir oyog'ingda turishing kerak.

Mushukcha laylakka rahmat aytib, xandon otib suv ichiga kiribdi. Ammo u hech qachon mushuklarning bitta oyoqda tura olmasligini bilmas ekanda. Bir chap oyog'i bilan, keyin o'ng oyogi bilan turishga harakat qilibdi. Keyin oyoqlari charchab suvga yiqilibdi. Hamma joyi shalabbo bo'lib, etlari junjikib suvdan chiqibdi. Qarasa, laylak hali ham bir oyog'ida turgan ekan. Endi mushukcha laylakka e'tibor ham bermabdi va tezda o'z uyiga ravona bo'libdi.

Qissadan hissa shulki har bir jonzot o'zi qo'lidan keladigan ishni qilishi kerak ekan.

Bahriddin Turg'unov tayyorladi.

ПОЙАФЗАЛ УЧУН МОСЛАМА

«Ишонч» устахонаси



Расмда кўрсатилган мослама уйда жойни тежашга имкон беради. Бунинг учун ёғоч брус керак бўлади. Токчаларни қалин фанерадан ясасангиз мақсадга мувофиқдир. Унинг ўлчамларини ихтиёрий олишингиз мумкин. Токчалар баландлиги пойафзалнинг бўйига кўра танланади.

Кичик пойафзаллар тепароқда, катталари эса пастроқда жойлаштирилгани маъқул.

Ҳошимжон ЭГАМОВ, Расмлар муаллифники.

Турмуш чорраҳаларида

ОДАМЛАРЧА ЯШАШ

Баҳриддинни кинохона ҳовлисида патта сотиб олаётганида учратдим. Беозор, оғирвазмин бу йигит билан деярли тенгдошмиз. Танишганимизга анча йиллар бўлган. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин:

- Анави жуфтни қаранг, оламда ўзларидан бошқа бахтиёр одам йўқдек,- Баҳриддин оғзидан халқа-халқа тутун чиқараркан, сал нарида хушхол боришаётган йигит-қизга ишора қилди. - Боринги, турмуш қуришди ҳам дейлик, кейин қандай бўлишаркин-а?

- Эҳтимол, бахтли турмуш кечиришар. Бир-бирларига жуда муносиб экан. Суҳбатдошим хафсаласизлик билан қўл силтади.

- Биттаси бизми, тўйдан илгари тўрт йил учрашиб юрганмиз. Кўрмасам, ўлиб қоладигандек эдим.

- Ҳозир-чи?

Баҳриддин бармоқларидаги сигарета қолдигини четга иргитди. Кейин ҳазин жилмайди:

- Дунёнинг биз билмаган ҳангомалари кўп экан, дўстим,- бироз фурсат сукут сақлади-да, қушиб қўйди.- Хабарингиз йўқми, ярим йилдан бери хотин билан бошқа-бошқа яшаяпман.

- Қўйсангизчи, - бу гапга негадир сира ишонгим келмади. Аммо Баҳриддин эътирозимга аҳамият бермади. Тағин чўнтагини кавлаб сигарета чиқарди.

- Характеримиз ҳеч тўғри келмаяпти, мени «али» десам, у «вали» дейди. Хизматдан толиқиб борасан, уйда озгина ором олай десанг, ҳар кунги галва. Арзимаган нарсадан жанжал чиқаради. Келишолмаган эр-хотиннинг биргаликда яшаши илон билан чаённинг бир идишда сақланишидек гап экан.

- Ярашмаган ҳунарни қўйинглар. Кексалар айтишганидек, ўғилларингиз ўғил, қизларингиз қиз бўлиб қолди. Жойи чиқса, қизингизни узатадиган бўлиб турибсизу.

Баҳриддин оғир-бин ойди.

- Мен ҳам болаларни ўйлаб узоқ чидадим. Улар кўзи олдида қўйди-чиқди қилиб юрсанг уят. Шунинг юзини камроқ кўрай, дедимда, дала ҳовлига бориб, қайтмай қўя қолдим.

- Муҳаббат бориб турадими?

Саволим жавобсиз қолди. Баҳриддин четга ўгирилди-да, мингирлади.

- Болалар ишхонага айланиб ўтишади. Рўзғор камчиликларини тўғрилаб бериб юбораман.

Нима дейишимни ҳам билмасдан бошим қотди. Маиший хизмат соҳасида ишловчи Баҳриддиннинг хотини тақинчоқлари баҳосининг ўзи ўртамиёна зиёлининг уч-тўрт йиллик маошига тенг, бирон курортга бормасдан қолмаган. Охирги йилларда хорижга қатнаб савдогарчилик қилаётганидан ҳам хабарим бор. Гўё, тинч оқар дарёдек сокин Баҳриддин билан фақат ўйин-кулги учунгина тугилган Муҳаббат иккисининг лойи бошқа-бошқа сайёралардан олингандек.

Бир кун Муҳаббатга дуч келдим. Янги чиққан ялтироқ матодан тиктирилган ғалати фасондаги кўйлаги ўзига ярашган Муҳаббат дугонасига нимanидир бериб таърифлар, ўтган-кетганнинг ҳавасланиб назар ташлаётганидан мамнундек эди. Менга кўзи тушгач, тараддудланганлигини сездим. Саломлашдик.

- Баҳриддин тўзукми, ҳеч кўришмаймиз ҳам? деган саволимга

- Ўртоғингизнинг қариганларида Робинзон Крузодек суппайиб яшагилари кепти. Етимчадек дала ҳовлида ёлғиз даврон сураяптилар.

- Нега? Гап ўтмаганми ишқилиб?- атайлаб ўсмоқчиладим.

- У кишига дугоналарим билан йил бўйи бир марта дам олишга боришим ҳам ёқмайди. Одам ҳаётга икки марта келмайди-ку. Одамга ўхшаб яшашим керакми, ахир? ...

Одамга ўхшаб яшаш... Буни ҳар ким ҳар хил тушунади. Яна бир жуфтни биламан. Улар бундан салкам 50 йил илгари бир встиққа бош қўйишган.

Файзулла ака урушнинг биринчи кунларини чегарада кутиб олган. Уруш-урушлигини қилиб, ёнгинасида портлаган снаряд унинг баданини ҳам илма-тешик қилиб, тупроққа кўмганида ярим тирик ҳолда топиб олишган, икки қўлтиқ таёқ билан уйига қайтиб келган. Уша оғир йилларда Тожихон деган муаллима қизга уйланади. Қатор ўғил-қизлар дунёга келади. Лекин ҳаёт бир қўли билан силаб-сийпаса, иккинчиси билан тарсакилайди, деганларидек, мана ўн беш-ўн олти йилдирки, Тожихон опа тўшакда. Бу борада Файзулла аканинг бормаган, юғурмаган жойлари қолмади. Номи чиққан қандай доктор ёки табиб борки, хотинини кўрсатди.

- Аканглиз бўлмаганларида, билмадим ҳолим нима кечарди дейди Тожихон опа кўзда ёш билан.- Дардимга даво излаб қаёқларга борганларини, катта бошларини кимларга эгиб, илтижо қилганларини ёлғиз мену, Худо билади.

- Ўғил-қизлардан нолимайман. Бир-биридан меҳрибон. Агрофимда айланиб, ўргилишади. Бироқ, отанинг, уй соҳибининг ўрни бошқача бўларкан. Болалар ишдан, ўқишдан толиқиб қайтиб тош қотиб ухлашаётганларида ҳам у киши тун бўйи уч-тўрт бор уйғониб аҳволимни сўрайдилар.

Яқинда Файзулла акани анча хушнуд ҳолда учратдим. Опанинг соғлиқларини суриштирдим.

- Суюнчини чўза беринг, опангиз бировнинг ёрдамисиз ўзлари бемалол ҳовлини айланиб юрибдилар. Ишламаётган чап қўллари ҳам ҳаракатга келиб қолди. Сиз айтган доктор дориси ҳақиқатан ҳам зур экан. Опангизнинг касалини бутунлай тузатиб юбориш мумкин деяпти. Индинга жўнаймиз. Кеча телефонда келишиб қўйдим, - дедилар қувончдан кўзлари ёниб.

Ҳаётда чолидан кейин узоқ яшамаган кампирларни, эстикдоши «қирқин»ни ўтказмасдан кўз юмган чолларни эшитиб юраман. Чамаси, инсон биргаликда, кечирилмас умр давомида нигоҳ пайқамас иплар билан боғланиб қоларкан. Кимга қандай, аммо менимча одамга ўхшаб яшаш, аслида шундай бўлиши керак, эмасми?

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатда иш олиб бораётган чет эллик инвесторлар билан учрашди. Президентнинг таъкидлашича, учрашувдан мақсад кейинги пайтда сал оқсоқланаётган ислоҳотларни олға жилдириш, бу йўлда тўғаноқ бўлаётган нарсаларга барҳам беришдир. Назарбоев ҳукумат составидаги баъзи бир ўзгаришлар мамлакатнинг ислоҳотлар сари тутган йўлига ҳеч қачон ғов бўлмайди, йўлимиз қатъий деб айтган.

***

Беш ойлик даволанишдан кейин Қозоғистоннинг собиқ Бош вазири Кожакелдин чет элдан Ватанига қайтиб келган. У Швейцарияда даволанаётганида вазифасидан озод қилинган эди. Бош вазир бўлиб турган вақтида мамлакатда хусусийлаштиришни бошлаган ва эл орасида изчил ислоҳотчи сифатида танилган эди. Чет элларда ҳам у яхши обруга эга бўлиб мамлакатга хорижий инвесторларни жалб қилишда фаоллик кўрсатган. Мамлакатга қайтган Кожакелдин бундан буён сиёсий фаолият билан шуғулланмасликни, иқтисодий ишлар билан машғул бўлишини билдирган.

***

Душанбеда Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда уччала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар муҳокама қилинди. Қатнашчилар Тожикистоннинг демократик, дунёвий мамлакат бўлиш сари тутаётган йўлини маъқулладилар. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов Тожикистоннинг Марказий Осиё ҳамжиҳатлигига аъзо бўлишини Ўзбекистон қувватлашини билдирди.

***

Ватанига қайтиб келган Тожикистоннинг собиқ муфтийси, муҳолифат лидеридан бири Хожиакбар Тўражонзода республика Конституциясига баъзи ўзгартишлар киритиш лозимлигини, аммо бунга мамлакатда референдум ўтказиш орқали эришиш лозимлигини, шунингдек, у одамларни қурол ушлашига қарши эканини, уларнинг нима мақсадда қўлларига қурол олганликларини аниқлаб улар билан музокара олиб бориш орқали мамлакат осойишталигига эришиш мумкинлигини айтган.

***

Номаълум сабабларга кўра Алматида бир неча кун ушлаб турилган ичида покистонлик ва афғонистонлик йўловчилар бўлган самолётга парвоз қилишга рухсат берилган.

Токиода «Театрлар ярмаркаси»

Куни кеча Токио Миллий опера театрининг кўргазмалар залида Япония ва хорижий мамлакатлар театр жамоаларининг анъанавий ярмаркаси ўз ишини тугатди.

Ярмарка Япония театри ҳаётининг бой тасвир воситаларини намойиш этиб, томошабинларни саҳна санъатининг замонавий ривожидаги асосий тенденциялари билан таништирди. Узига хос бу ярмарка иштирокчилари анъанавий япон театрлари «Но» ва «Кабуки» билан бир қаторда авангард йўналишидаги, пантомима, қўғирчоқ ва бошқа театрлар ҳамда кўплаб хорижий жамоалар ва алоҳида ижрочилар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Ярмаркага кўп сонли ихлосмандлар — театр шинавандалари ҳам санъат хомийлари, бизнесменлар ҳам ташриф буюрдилар. Бу эса бежиз эмас. Бу каби ярмаркалар натижаси ўлароқ бадиий ва тадбиркорлик нуқтаи назаридан энг истиқболли жамоалар билан Японияда гастроллар ўтказиш борасида шартномалар имзоланади.

У ёки бу театр жамоаси номидан кўрсатилаётган ҳар бир бўлим бетакрор ва сержило этиб ясатилган эди. Мисол учун, «Кабуки» театри бўлими атрофида узлуксиз равишда ўзининг анъанавий либосларини кийган театр усталари турдилар, қўғирчоқ театрларидан бирининг бўлими олдида эса санъаткорлар гуруҳи катта юмшоқ қўғирчоқлар билан ўз спектаклларидан парчалар намойиш этдилар.

Токио театр ярмаркасида биринчи бор алоҳида бир бўлим Ўзбекистон театр жамоаларига бағишланди. Бу бўлим Токиодаги ўзбек элчихонаси билан ҳамкорликда Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари билан маданий алоқаларни ривожлантириш билан шуғулланувчи ижтимоий ташкилот — Евроосиё клуби томонидан ташкил этилди. Бу ерда ўзбек миллий тунлари, дуппилар кийган клуб фаоллари реклама плакатлари ва расмлаларни намойиш этдилар, монитор бўйича эса видеороликлар кўрсатиб турилди.

Евроосиё клуби раиси жаноб Оно Рио «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда Токио театр ярмаркасининг жуда масъулиятли тадбир ва Япония маданий ҳаётида катта воқеа эканлигини таъкидлади. Айнан шу ерда мамлакатнинг гастроллар афишаси шаклланади. Бу ерда кўп жиҳатдан япон томошабинларининг йил давомида кимни ва нимани кўра олишлари ҳал бўлади.

Жаноб Оно Рио фикрини давом эттириб, қуйидагиларни айтди:

— Ўзбекистон жуда бой маданий меросга эга бўлиб, бизнинг олдимизда турган вазифа — у билан япон халқини яқинроқ таништириш. Бу галги ярмарка иштирокчиларининг ўзбек театр санъатига билдирган қизиқиши бизда келгуси йилда Ўзбекистонни Токиода янада кенгроқ кўрсатишимиз мумкинлигига ишонч уйғотди. Евроосиё клуби фаоллари мамлакатингиз ва маданиятингиз билан янада яхшироқ танишиш, япон томошабинлари тезроқ ўз саҳналарида ўзбек санъаткорлари саҳналаштирган асарларни кўриш имконига эга бўлишлари учун яқин кунлар ичида Ўзбекистонга бориш ниятидалар.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

Маданият хабарлари

НАМАНГАН. Давлатобод туманидаги тўқимачилар маданият саройида «Энг ибратли келинчак» кўрик-танлови ҳудудий босқичи ғолибларининг вилоят биринчилиги учун беллашуви бўлди. Унда 5 нафар иштирокчи бешта шарт бўйича ўз билимини ва маҳоратини намойиш этди. Чортоқлик Маликахон Муҳитдинова кўрик танловининг ғолибаси деб топилди.

***

Қўқондаги мусиқали драма ва комедия театрли ўз репертуарини яна бир саҳна асари билан бойитди. Адиб Исоқ Уктамовнинг «Кечиккан никоҳ» драмаси томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Спектаклдаги бош ролларни Б.Фофуров, А.Зиеева, Р.Жураевалар каби иқтидорли артистлар ижро этишмоқда.

Асарни Мадаминжон Жураев саҳналаштирган.

***

Фарғона вилоятида буюк аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Куни кеча вилоятда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди.

Шанбаликдан тушган 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ Ал-Фарғоний жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

***

Андижонда энг яхши ҳунармандлар, фермерлар ва тадбиркорлар фаолиятини оммалаштириш мақсадида вилоят «Ташаббус-97» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда андижонлик миллий чолғу асбоблари устаси Абдумалик Мадраҳимов, Андижон туманидаги Усмон ҳожи деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Абдураҳмон Болтабоев, Шаҳрихондаги «Ривож» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси директори Комил Отажоновлар ғолиб деб топилди. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолиблар республика кўрик-танловида ҳам қатнашадилар.

Давур ЖОЗИЛОВ.

МУЛОҚОТ КЛУБИ ЧОРЛАЙДИ

Қизилтепа туманидаги «Тавовис» мева-кўчатчилик тажриба-таянч хўжалиги ҳудудида жойлашган Ғойибон маҳалласида кўпгина хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда маҳалла фаоллари таклифи, ташаббуси билан хотин-қизларнинг «Мулоқот» клуби ташкил этилди. Клуб аъзолари 27 кишидан иборат бўлиб, улар зиёли ва тадбиркор аёллардир. Ҳар икки ойда бир марта машғулот ўтказишга мўлжалланган бу клуб асосан бола тарбияси, оила мустаҳкамлиги, тежамкорлик, аҳлоқ-одоб, меҳр-оқибат, одамийлик масалалари тарғиботи билан шуғулланяпти. Маҳалла фуқаролари йиғини раиси Узоқ Тўхтаевнинг таъкидлашича, қушничилик муносабатлари бўйича уюштирилган мулоқот яхши самаралар беряпти. Одамлар ўртасида аҳиллик кучаймоқда, меҳр-мурувват соҳасидаги эзгуликлар кўзга ташланиб қолди.

Баҳодир ЭГАМОВ.

ОДИЛ — «ОСМОН ШОҲИ»

Фалокатдан сўнг - жаҳон рекордига

Шинжонг уйғур автоном туманидаги дорбоз Одил Ўшурнинг маҳорати тўғрисида дув-дув гап юрипти, у ҳақда қўшиқлар айтилмоқда, газета, радио ва телевидение орқали халққа танитилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам унинг маҳорати достон қилишга лойиқ. «Осмон шаҳзодаси» деб ном олган канадалик Куклон 1995 йилда Чонгжонг дарёсининг устига тортилган узунлиги 646 метр, баландлиги 405 метр келадиган пўлат симда 53 минут 10 дақиқа вақт ичида икки томонга ўтиб, дунё рекордини қўйган эди. Бу хабарни эшитган Одил Ўшур тезда ўша ерга бориб, шароит билан танишди ва шундан кейин хорижий журналистларга Куклоннинг рекордини ўзгартиражагини эълон қилган эди. Шундан кейин у машқ қийин ишга тайёргарлик кўра бошлади. Куклон маҳоратини кўрсатиб бўлгандан кейин пўлат симнинг қимирлаб кетмаслиги учун ёнидан тортилган 120 та сим олиб ташланган эди. Уни тиклаш (аслига келтириш) учун 1 миллион 200 минг юан маблағ талаб қилинар эди. Ҳукумат Одилга ёрдам қилмаганлиги учун халқдан маблағ йиғишга мажбур бўлди...

У икки йил мобайнида ҳар қанча ҳаракат қилмасин, 200 минг юан пулни зўрға жамғарди. Бу маблағ ён тарафдан тортиладиган симларнинг харажатига етмас эди. Шу билан бирга, вақт ўтиб борарди. Шунинг учун қўлидаги маблағга қараб ён симларни камайтирди. Хавф-хатарнинг қанчалик кучлилигини Одил тушуниб турса ҳам вақт ва маблағ камлиги таваккалчилик қилишга мажбур қилди. Натижада 200 та ён сим ўрнига атиги 30 та сим тортилди.

Маҳорат кўрсатиладиган куни соат 11 да Одил ҳеч қандай муҳофаза тадбири бўлмаган шароитда узунлиги 8,9 метр келадиган лангарни ушлаб, пўлат сим устидан қадам ташлай бошлади.

Гарчи 405 метр баландликдаги симнинг дарё суви тўлқинланиб оқаётган, кишини чўчитадиган қирғоқдаги тик қоялар бўлса ҳам, Одил ҳеч ҳайиқмай ерда одимлагандай жуда енгил юриб, 5-6 дақиқада пўлат симнинг ўртасига етиб борди.

Кейин у пўлат симда лангарни бошидан баланд кўтариш, иккита оёғини галмагал лангардан ўтказиш каби хатарли ҳаракатларни қилиб, томошабинларнинг қизғин олқишига муяссар бўлди.

Кейинги масофада Одил борган сари тез юрди. Охирида томошабинларнинг қарсак садолари остида охирги нуқтага етиб борди. Соат кишининг ишониши қийин бўлган вақт - 13 минуту 48 дақиқани кўрсатган эди. Сим устида «саёҳат» канадалик Куклоннинг рекордига қараганда тўрт ҳисса тез босиб ўтилганди.

...1971 йили Қашқар вилояти, Янгисор тумани, Бузғун қишлоғида дорбоз оиласида туғилган Одил 4 ёшга тўлганда дадаси Ўшурмусо вафот қилиб, циркчилар ўртасида катта бўлди. 8 ёшидан дадасининг касбини ўргана бориб, арқон устида юришни машқ қилди. 10 ёшида дорбозликни тўла эгаллаб олди.

1991 йил 1 июль куни - Одилнинг 20 ёшга тўлган кунида балои қазонинг бошига келиши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. У Шанхайда томоша кўрсатаётганда арқон узилиб кетиб, 17 метр баландликдан йиқилиб тушди ва касалхонада даволанди. Унга 2,5 литр қон қуйилди, оёқ-қўл, қовурға ва бошқа суяклар, жами 17 жойидан синган жароҳатлари 6 ой деганда битиб кетгач, яна қўлига лангарни олиб, арқон устида юра бошлади. Ўшандан бери тинимсиз машқ қилиб, охири юқорида таърифлангандек, осмонни «бўйсундириш»га муваффақ бўлди.

Одил Ўшур Урумчига қайтиб келганда уни кутиб олиш учун тайёрагоҳга чиққан минглаб ишқибозлари уни ерга туширмай кўтарган ҳолда кўчаларни айлантиришди. Одил Ўшурнинг қаҳрамонлигидан Шинжонг уйғур автоном тумани ҳукумати «Осмон шоҳи» деган шарафли ном билан бирга 100 минг юан мукофот пули берди.

Мажид РЎЗИҚУЛОВ
таржимаси.
Пискент шаҳри.

ҲОЛ СЎРАШ
(қатра)

Камсуқум фаррош - уч боланинг онаси бетоб бўлиб қолди.

«Эртагаёқ бориб кўраман», режа қилди раҳбари.

Лекин бориб куролмади, божаси «қутлуг» ўттиз бир ёшини нишонлади.

Келиб ҳам иш билан эсидан чиқаёзибди. Столи устидаги кулдон тозаланмаганидан билди: «Эртага албатта бирров кириб ҳол сўрайман».

Эҳ, ташвишлар, ташвишлар! Эртаси трест бошқарувчисининг пойтахтдан учиб келаётган ўғлини кутиб олишга тайёрагоҳга борди.

Эрталаб ишга келиб столи устини чанг босганини пайқади. «Нега ётиб олди, фаррош? Уладиган касалми ди. Қиз-пизи, келин-пелинига айтса ҳам шуни тозалаб қуярди-ку» хаёлидан ўтказди у. Фаррошнинг шу қилиғи учун умуман бориб кўрмасликка аҳд қилди.

Хўжамурод ТОШТЕМИРОВ

Тошкент шаҳар 90-ўрта мактаб томонидан 1997 йил 14 июнда Пименова Виктория Валерьевна номига берилган O'R-B N 016214 рақамли аттестат йўқотилганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Кенгаши Андижон вилояти тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашининг раиси А.Холматовга опаси

Бусорахон БОҲОВОДДИНОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ҒАЛАБА ПОЙТАХТЛИКЛАРДА

Тошкентдаги РОУБЮ енгил атлетика зали икки кун давомида спортчилар ва мухлислар билан гавжум бўлди. Бу ерда Марказий Осиё давлатлари Олимпия уринбосарлари билим юртлари енгил атлетикачиларининг 5-анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Қарағанда (Қозоғистон), Андижон, Самарқанд, Бишкек (конкурсдан ташқари) ва Тошкент (пойтахтликлар 2 та жамоа бўлиб қатнашди) РОУБЮ жамоалари ғолиблик учун беллашдилар.

Дастлаб мусобақаларни 60 метрга барьерлараро югурувчилар бошлаб беришди. Бу беллашувда пойтахт-1 жамоаси вакили Отабек Эгамбердиев (4:12,00) зафар қучди. Отабек ўтган йилги Егоровнинг рекордини янгилади. Қизлар ичида омад самарқандлик Вера Медникова (9,0)га кулиб боқди. 400 метр масофага югуришда тошкентлик Марат Бекмурзин ғолиб бўлди. Шу масофада қизлар ичида Тошкент РОУБЮ жамоаси вакили Светлана Копытова биринчи бўлди. 800 метрга югуриш баҳсида ҳам тошкентлик Дмитрий Филипенко (2:02,1) ва Наталья Кобина (2:21,4)лар маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Узунликка сакрашда 7,20 метр натижа кўрсаттан пойтахт жамоаси вакили Александр Перфимов бош мукофот эгаси бўлган бўлса, қизлар ичида бундай мукофот самарқандлик Ирина Пакка насиб этди. Ядро улоқтиришда Тошкент РОУБЮ-1 жамоаси енгил атлетикачиси Денис Попов ўтган йили Андреев (13,39) кўрсатган натижани яхшилаб биринчи ўринни эгаллади, қизлар ичида ҳам моҳир спортчимиз Наталья Бессмертных (14,00 метр) биринчи бўлди. 60 метрга текис югуришда ҳам ўсмирлар ичида умидли спортчимиз Дилмурод Содиқов (Тош. РОУБЮ-1) маррани биринчи бўлиб забт этди. Қизлар баҳсида эса андижонлик Лиля Мамедова маррани биринчи бўлиб босиб ўтиб жамоасига ягона биринчи ўринни келтирди. 1500 метр масофага югуришда Тошкент РОУБЮ 1-жамоаси аъзоси Иван Кибарев ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Қизлар ичида эса пойтахт 2-жамоаси вакили Динара Габидулина ғолиб бўлди. Биринчи кунги беллашувларни 4 бор 200 метрга эстафетача югурувчилар якунлашди. Эркаклар ўртасида 1997 йил Қарағанда жамоаси ғолиб бўлганди, бу йил эса Тошкент РОУБЮнинг 1-жамоаси биринчи бўлди. Қизлар орасида омад бу йил ҳам пойтахтликларга насиб этди. Иккинчи кунги беллашувлар ҳам қизғин спорт курашларига бой бўлди. 200 метр масофага югуришда Қозоғистонлик Дмитрий Мечкань 1997 йил тошкентлик Олег Верзилин (22,5 сек) рекордини 0,2 сонияга янгилаб 22,3 сонияда маррага етиб келиб, шахсий рекордини қўйди. Қизлар баҳсида эса тошкентлик Олеся Пархошенко биринчи бўлди. Энг узоқ масофа 3000 метрга югуришда пойтахт спортчиси Леван Киберев ғолибликни қўлга киритди. Қизлар ичида бу номга Тошкент 2-жамоаси вакили Динара Габидулина сазовор бўлди. Сўнгги йиллар бери ўтказилаётган учхатлаб сакраш мусобақаларида омад, Қарағандалик Жанлос Аҳметов (14,30 метр)га кулиб боқди. Қизлар ичида эса ҳеч ким самарқандлик Ирина Пак (12,20 метр) эришган натижага етиша олмади. Баландликка сакраш беллашувларида сўнгги уч йилда фақат қарағандалик қизлар биринчиликни қўлга киритишаётган эди, бу йил ҳам омад улар томонда бўлди. Лидия Первалова 165 см баландликка сакраб, ғолиб бўлди.

Кўпкураш баҳслари доимо мусобақаларнинг гултожи саналади. Эркаклар орасида 6-курашда қарағандалик Дмитрий Карпов 4404 очко тўплаб шоҳсупанинг юқори погонасини забт этди. 1997 йил тошкентлик Андреев 4360 очко тўплаб шахсий рекорд ўрнатганди. Карпов эса бу рекордни янгилади. Шуниси қувонарлики, қизлар 4-кураш беллашувларида ҳам 1997 йил тошкентлик Юлия Блинова (2531 очко) ўрнатган рекорд, бу йил қарағандалик Елена Каткова (2651 очко) томонидан янгиланди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкентдаги РОУБЮнинг 1-жамоаси шоҳсупанинг энг юқори погонасини банд этди.

АНДРЕЙ БОРЗЕНКО ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИБ

Тошкент Давлат Жисмоний тарбия институтида бир неча кун давомида спорт мураббийси Андрей Борзенко хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон ва Узбекистоннинг кўплаб жамият ва клубларидан 85 нафар чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун беллашдилар. Вазнлар бўйида бухоролик Х.Хайриев (51 кг), Б.Эсонов (63,5), Ф.Орзиев, О.Вингурцев (91) меҳнат уринбосарлари спорт жамияти вакиллари У.Зокиров (54), Н.Юсупов (57), Тош.ДЖТИ талабаси Д.Абдураҳмонов (67), ангренлик Б.Ортибеков (48), Тошкентдаги 8 болалар спорт мактаби ўқувчилари И.Измайлов (60), С.Айдарбаков (+91), тошкентлик О.Фараджаев (75) ва Э.Музаффаров (81) лар ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори погонасини эгалладилар.

Наргиза ЮСУПОВА.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ АСОСИЙ ОМИЛ

Келажагимиз, авлодимиз бўлган ёшларни тарбиялаш, уларни соғлом қилиб вояга етказиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири.

Вазирлар Маҳкамасининг ёш авлоднинг соғлом ўсишини таъминлаш учун «Соғлом авлод учун», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» қабул қилган қарорлари қандай амалга оширилаётгани ва Олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари қай йўсинда олиб борилаётгани билан қизиқдик. Кузатишни эса келгусида ёш авлодни соғлом қилиб вояга етказувчи,бўлажак устоз ва мураббийларни тайёрловчи Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги педагогик лицейдан бошладик.

Суҳбатдошимиз лицей директори Равиль ака Исянов ва 11«А» синф ўқувчиси Улуғбек Борибоев.

- Равиль ака, лицейда таълим -тарбиянинг ҳозирги кундаги аҳволини қандай баҳолайсиз?

- Лицеймиз очилганига бу йил тўрт йил бўлади. Ҳозирги кунда 328 нафар ўқувчи таҳсил олянти. 15 та гуруҳда алоҳида олинган математика, химия, биология, она тили ва адабиёти (рус тили), хорижий тил, тарих фанлари чуқур ўргатилади. 1997 йилги биринчи битирувчиларимизнинг 87 фоизи (103 йигит-қиздан) асосан педагогика институтига, қолганлари 10 тага яқин институтларга техника университетларига муваффақиятли киришди.

- Лицейда жисмоний тарбия дарслари қай йўсинда ўқитилади. Ўқувчиларнинг спортга қизиқишлари қандай?

- Асосан, Навруз байрамида кўплаб спорт турлари бўйича институт биринчилиги ўтказилади. Шунда лицейимиз терма жамоаси футбол биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади ва совринлар билан тақдирланди. Кейин ҳар йили институт ўқитувчи профессорлари ўртасида футбол беллашувлари ташкил қилинади. Биз ҳам ёз ойларида футбол жамоамиз билан (ўқитувчи-профессорлар) биргаликда ушбу матчларга замин ҳозирламоқчимиз. Шунингдек, физика-математика гуруҳларимизда таҳсил олувчи ўқувчиларимиз шахматнинг ашаддий ишқибозларидир, бўш қолди дегунча шахмат тахтаси атрофидаги жангларини бошлайдилар. Шуларнинг қизиқишини инобатга олиб ҳар йили «Гарри Каспаровга қарши» шиори остида лицей чемпионатини ўтказамиз. Унга доимо Улуғбек Борибоев бош-қош бўлади. Ҳатто, икки йилдан бери ўзи чемпионликни қўлдан бой бермай келяпти. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам гапириб бериши мумкин.

- Улуғбек, неча йилдан бери шахмат ўйнайсиз?

- Шахмат оламига кириб келганимга ҳали кўп бўлмади. Сўнгги уч, тўрт йил ичида жуда берилиб кетдим.

- Қизиқишларингизнинг шаклланишида оилангизда турғун бўлганми ёки бошқа бировнинг ҳиссаси борми?

- Оиламизда фақат раҳматли адамлар Муртазо Боритбоев шахмат ўйнаганлар. Жуда қаттиқ ўйнардилар. Мени эса шахматга маҳалламизда яшовчи дўстим Фарруҳ ўргатган. Бошида шунчаки ўйин эрмак учун, кейин эса қизиқиш тобора ортиб бора бошлади ва биз ким ўзарга дона сура бошладик. Буни қарангки, менга шахмат донасини суришни ўргатган устозим ва дўстим Фарруҳ нимагадир менга ютқаза бошлади. Биз доимо ҳисоблаб борамиз. Ҳозирча натижа менинг фойдамга 14:0.

-Сиз учун шахматнинг бошқа фойдали томонлари ҳам борми?

-Албатта, аввало асабни тинчлантиради, фикрлаш доирасини кенгайтиради. Буни ўзимда кўраман-да. Шахмат ўйнагандан бери математикани чуқурроқ ўрганишга қизиқишим орта бошлади. Умуман, шахматнинг зиёни бўлмаса керак, деб ўйлайман,

- Равиль ака келажакдаги режаларингиз қандай?

- Албатта, орзу ва режаларимиз катталдир. Келажакда таълим тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар ўргатиш, математика гуруҳларида ЭҲМ оператори иқтисодчи, химия-биология гуруҳларида тиббиёт ҳамшираси, кичик тиббиёт ходими, лаборант, она тили ва адабиёти гуруҳларида тарбиячи, етакчи, журналист, кутубхоначи, тарихга ихтисослаштирилган гуруҳларда ҳуқуқшунос, экскурсовод, хориж тиллари гуруҳларида ўқувчиларга таржимон ихтисосликларини бериш ниятимиз бор. Бунинг учун бизга соғлом авлод керак. Бу эса спортга эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Дониёр ЮСУПОВ.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Диаметри 12, 14 ммли арматураларни;
Диаметри 32, 35, 40, 45, 50, 63 ммли уголок (уч бурчак)ларни;
Пўлат лист (тахта)ларни;
Бир симли пўлат ҳамда икки симли рух тиканли симларни;
АНО-4(Украина) электродларини;
Қозоғистондан олинган кальций карбидни;
СВО8-А пайвандлаш симларини;
ТО-10, ТО-30 қурилиш ковшларини;
Янги «КамАЗ» самосвал автомобилини;
«Супермаз» автобус автомобилини;
«Иванец», «КамАЗ» кран-автомобилларини;
«Мерседес», «Джип Мицубиси», «Форд» автомобилларини;
ГАЗ, ВАЗ, «Газель», УАЗ, «КамАЗ» сериясидаги автомобилларини;
«Волга», «Жигули», «Дамас», «Тико», «Нексия» ва «Эсперо» автомашиналари учун эҳтиёт қисмларни;
Мотор ёғини, тормоз суюқлигини, транс-мисснон ёғини, аксессуарларни;
ЕВ-687 1,2 тоннали электрюклагичларни.

Мурожаат учун телефон: (3712) 77-84-36

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва маиший биналар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик конвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пиширш қувватига эга

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри С.Рахимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Самаркандда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 01071. Нусхаси — 24.738. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Барно СУЛТОНОВА